БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ.

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши № 72 (11821).

Сешанба, 28 март, 1961 йил.

Баҳоси 3 тийин.

ФАЗОНИ ЭГАЛЛАШДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Космик фазони тадқиқ қилиш соҳасидаги ишлар планига мувофиқ Ер теварагидаги орбитага чиқарилган бешинчи йўлдош кема тадқиқотларининг белгиланган программаси бажарилганидан кейин Ер теварагидаги орбитадан муваффақиятли суратда туширилди ҳамда белгиланган районда ерга қўнди.

ОДАМНИНГ КОСМОСГА УЧИШИ ЯҚИНЛАШИБ ҚОЛГАНЛИГИДАН ДАРАК

БУДАПЕШТ, 26 март. (ТАСС). Венгрия матбуоти Совет Иттифоқида бешинчи космик йўлдош кеманинг учирилганлиги ва унинг муваффақиятли суратда Ерга қўнганлигини одамнинг космосга учиши яқинлашиб қолганлигидан далолат берувчи хабар деб атайди.

«Непсабадшаг» газетаси Москвадаги ўз мухбирининг хабарида совет фани эндиликда одамнинг космосга учиши соҳасида бевосита тайёргарлик кўраётганлигини таъкидлайди.

Янги порлоқ ғалаба

БЕРЛИН, 25 март. (ТАСС). Германия Демократик Республикасининг радиоси бугун совет фани ва техникасининг янги ажойиб ғалабаси — бешинчи совет йўлдош кемасининг муваффақиятли учирилиб Ерга қўндирилганлиги тўғрисида хабар бериш учун ўзининг одатдаги эшиттиришларини тўхтатиб қўйди. Радио ўз тингловчиларига янги ахборот қабул қилиниши биланоқ дарҳол эшиттирилади, деб маълум қилди.

НЬЮ-ЙОРК, 25 март. (ТАСС). Америка информация агентликлари ўз мухбирларининг бешинчи совет йўлдош кемаси Ер теварагидаги орбитага учирилганлиги ва бу кеманинг Совет Иттифоқи территориясининг белгиланган районига муваффақиятли суратда қўндирилганлиги тўғрисида берган хабарларини «шошилинч хабарлар» қаторида ҳамма ёққа маълум қилди.

Хабарларда илгари учирилган совет йўлдош кемалари тўғрисидаги маълумотлар ҳам келтирилади.

ЎРТОҚЛАР! СОВЕТ ТУПРОҒИ КОИНОТ СОҲИБИ БЎЛИБ ҚОЛДИ

БЕШИНЧИСИГА ҲАМ ҚОЙИЛ ҚОЛДИК

Кейинги қисқа вақт ичида космик фазога бир неча совет йўлдош-кемалари мағрур парвоз қилди. Куни кеча бутун жаҳон бўйлаб яна бир хушхабар тарқалди: космик фазога яна гигант йўлдош кема учиб, ичидаги жониворлари билан соғ-саломат ерга қўнибди. Бу — қисқа вақт ичида учирилган космик йўлдош-кемаларнинг бешинчиси! Оғирлиги 4 ярим тоннадан ортиқ бўлган бу улкан ЛАБОРАТОРИЯНИНГ БЕЛГИЛАНГАН ОРБИТА БЎЙЛАБ УЧИБ, ЕРДАН БЕРИЛГАН СИГНАЛ ОРҚАЛИ ЯНА БЕЛГИЛАНГАН ЖОЙГА КЕЛИБ ҚЎНИШИ — СОВЕТ ФАНИ ВА ТЕХНИКАСИНИНГ ЯНА БИР ПОРЛОҚ ҒАЛАБАСИДИР.

Совет олимлари, инженер-техниклари, ишчиларининг ақл-идроки билан фазога кўтарилган бешинчи космик йўлдош-кемага ҳам қойил қолдик.

Буҳажал ҲАҚҚУЛОВА,
Фарғона область, Қуйбишев районидаги Бешкапа қишлоқ советининг раиси.

БИРИНЧИ КОСМОНАВТ—СОВЕТ КИШИСИ БУЛАДИ

Бутун жаҳон совет фан-техникаси буюк генийсининг яна бир порлоқ ғалабасидан хабар топиб, яна қойил қолди. Космик фазога учирилган бешинчи йўлдош-кема қайтиб ерга қўнди. Бу, совет олимларининг космик фазони эгаллашга, инсонни космосга учиришга томон қўйган яна бир катта қадамидир.

Ишончимиз комилки, космик фазога биринчи бўлиб совет кишиси учади, биринчи космонавт—советлар Ватанининг граждани бўлади!

А. ТОШМУҲАММЕДОВ,
студент.

ҚИШЛОҚ МАДАНИЯТ ХОДИМИ

«Партиямиз коммунистик қурилишнинг жуда катта вазифаларини белгиламоқда ва амалга оширмоқда. Энди асосий вазифа шундан иборатки, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ва социалистик жамият қоидаларига риоя қилиш руҳида одамларни ташкил этиш, омма орасида тарбиявий ишларни кун сайин ва чуқур олиб бориш керак».

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитети январь Пленумида айтган бу сўзларида қишлоқ маданият ходимларининг ҳам жанговар иш программаси белгилаб берилган. Январь Пленуми қарорларини колхозчилар ва совхоз ишчилари ўртасида кенг пропаганда қилиш — қишлоқ маданият муассасаларининг шу кунларда амалга ошириши зарур бўлган муҳим вазифасидир.

Республикамизда 2943 клуб, 3099 оммавий кутубхона, шу муассасаларни бошқарадиган юзлаб ишчан, малакали, ташаббускор, билимдон кишилар бор. Клуб ва кутубхоналарнинг кўпи социалистик қишлоқларимизда, совхозларнинг обод посёлкаларида, янги ўзлаштирилаётган бўз ва қўриқ ерларда жойлашган. Улар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, бунинг учун жуда катта резервларни очиб бериш, илғорлар тажрибаси, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишда партия ташкилотларининг асосий таянчи, яқин кўмакдошларидир.

Қишлоқларимизда ишни шундай ташкил этиб, омма орасида тарбиявий ишларни юксак савияда ўтказаётган клуб, кутубхона ва ўқишхоналар оз эмас.

Хоразм область, Янгиариқ район маданият уйи ходимлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни илғорлари тажрибасини оммалаштиришда яхши ташаббус бошладилар. Бу ерда қишлоқ хўжалигининг энг илғор кишилари билан учрашувлар ўтказиб турилади. Марҳамат қишлоқ советидаги ўқишхонада ҳам шундай учрашувлар бўлиб туриби. Избоскан районидаги Сталин номли колхоз клуби қишлоқ механизаторларининг чинакам тажриба мактабига айлантирилган. Тошкент, Самарқанд областидаги клуб ва кутубхона ходимларининг кўпчилиги асосий эътиборни январь Пленуми қарорларини пропаганда қилиш масалаларига қаратмоқда. Улар тематик кечалар, китобхонлар конференциялари, илғорлар билан учрашувлар ўтказмоқдалар.

Ҳар бир клуб, кутубхона ходими ишни ана шундай ташкил этиши, қишлоқ маданият муассасаларини ишлаб чиқариш илғорлари тажрибаси ва фан ютуқларини пропаганда қиладиган марказга айлантириши керак. Шундагина у резервларни топиб ишга солишда ва шу асосда мамлакатда қишлоқ хўжалигини янада тез суръатлар билан ривожлантиришда партия ва совет ташкилотларининг яқин ёрдамчиси бўла олади.

Бироқ, республиканинг айрим областларидаги қишлоқ маданий-оқартув муассасаларининг ходимлари қишлоқ меҳнаткашларининг ўсиб бораётган юксак талабларидан ортда қолмоқдалар, улар КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларининг чинакам тарғиботчилари даражасига кўтарила олмаётир, пленум қўйган улуғвор вазифаларни тўла амалга оширишда оммани сафарбар этолмаётир. Бу ҳол айниқса Сурхондарё область маданий-оқартув муассасаларининг ишида содир бўлмоқда.

Бу ерда илғор тажриба ва фан ютуқларини оммалаштиришда маҳаллий шароит эътиборга олинмаётир, пропаганда кўпинча диаграмма ва плакатлар асосида олиб борилаётир, маданият ходимлари, пропагандист ва агитаторлар ўзлари билан ёнма-ён туриб, ажойиб ютуқларни қўлга киритаётган илғорлар тажрибасини пухта ўрганиб, уларнинг бошқаларга намуна бўладиган ишларини омма орасига олиб кирмаётирлар. Жонли, ҳаёт билан боғланган пропаганда билангина хўжалик ишларини яхши йўлга қўйишда кўмаклашиш мумкин. Биз одамларни яхши намуналар мисолида тарбиялашимиз керак. Бунинг учун партия ташкилотлари қишлоқ маданият ходимларига иқтисодий билимларни, ўзлари яшаб турган колхоз ёки совхоз ишлаб чиқариш экономикасини пухта ўрганиб олишларига яқиндан ёрдам беришлари керак.

СССР Маданият министрлигининг КПСС Марказий Комитети декабрь (1959 йил) Пленуми якунларига бағишланган коллегияси қарорида иттифоқчи республикалар маданият министрликларига колхоз клублари қошида агрозоотехника бурчаклари, кабинетлари, шунингдек илғор тажриба кабинетлари очиш тавсия этилган эди.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги бу амалий таклифга эътиборсизлик билан қаради, илғор тажрибаларни тез оммалаштирадиган бундай кабинетлар бирорта ҳам қишлоқ клуби қошида лоақал тажриба учун ҳам очилгани йўқ. Министрликнинг маданий-оқартув муассасалари ишлари бўйича бошқармаси январь Пленуми қарорларини пропаганда қилишда маданият ходимларига яқиндан амалий ёрдам кўрсатмаётир.

Партия қарорларидан илҳомланган қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг ҳам қалби барча совет кишилари сингари, капитализм билан иқтисодий мусобақада голиб чиқиш иштиёқи билан тўлиб-тошмоқда. Бу — партия XXII съездини муносиб кутиб олиш ва январь Пленуми қарорларини тўла амалга ошириш учун умумхалқ мусобақаси тобора авж олаётганида яққол намоён бўлмоқда. Республика колхоз ва совхозларида қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш, чорва маҳсулдорлигини кўпайтириш ва шу йўл билан аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш учун замин яратадиган қизғин дамлар бошланди. Қишлоқ хўжалик ходимлари ўз имкониятларини чамалаб, зиммаларига конкрет мажбуриятлар олмоқдалар. Бу мажбуриятларни бажариш учун колхозчиларга ва совхоз ишчиларига амалий ёрдам кўрсатиш — қишлоқ маданият ходимларининг жанговар ва ватанпарварлик бурчидир.

Партия ташкилотлари қишлоқ маданий-оқартув муассасаларига ўз ишларини шу асосда қайта қуриш ларига ёрдам берсинлар. Область маданият бошқармалари, район маданият бўлимлари фаолиятига контролликни ҳар қачонгидан ҳам кучайтириш, уларни ишчан, билимдон, ўз ишига қобил кадрлар билан таъминлаш керак.

Қишлоқ клублари ва кутубхоналарини оммавий-сиёсий ишлар марказига айлантирайлик. Пропагандани таъсирчанлиги, ҳаётийлиги, кенг меҳнаткашлар оммасига тушунарли бўлиши учун унинг хилма-хил форма ва методларидан фойдаланиш қишлоқ маданият ходимларининг асосий вазифасидир. Ў ўзининг бутун фаолиятини КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини тўла бажаришга қаратмоғи зарур. Шундагина қишлоқ хўжалигини кескин суратда ривожлантириш юзасидан партия қўйган буюк вазифани бажаришда мен ҳам ҳисса қўша олдим, дея олади.

Н. С. ХРУШЧЕВ ва Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ўртоқ ГЕОРГЕ ГЕОРГИУ-ДЕЖГА телеграммаси

МОСКВА, 25 март. (ТАСС). Н. С. Хрушчев ва Л. И. Брежнев ўртоқ Георге Георгиу-Дежга телеграмма юбориб, бу телеграммада уни Руминия Халқ Республикаси давлат кенгаши раиси лавозимига сайланганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номидан самимий табрикладилар.

Н. С. Хрушчев ва Л.И.Брежнев ўртоқ Георге Георгиу-Дежга сиҳат-саломатлик ҳамда унинг социализм ва коммунизм ишининг тантанаси йўлидаги толмас фаолиятида янги шонли муваффақиятлар тиладилар. Телеграммада Руминия Халқ Республикаси меҳнаткашлари Руминия Ишчи партияси раҳбарлигида социализм қурилишида, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун курашда янги ажойиб муваффақиятларга эришадилар, деб ишонч билдирилади.

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ ЎРТОҚ ИОН ГЕОРГЕ МАУРЕРГА ТЕЛЕГРАММАСИ

МОСКВА, 25 март. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ўртоқ Ион Георге Маурерни Руминия Халқ Республикаси Министрлар Совети раиси лавозимига тайинланиши билан қутлади.

Н. С. Хрушчев ўз телеграммасида Совет Иттифоқи билан Руминия Халқ Республикаси ўртасида қарор топган қардошларча маҳкам дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари ҳар иккала мамлакат манфаатлари, социалистик лагернинг бирлиги ва жипслиги ҳамда бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида бундан буён ҳам муваффақиятли равишда мустаҳкамланади ва ривожланади, деб чуқур ишонч билдиради.

Қирқ беш центнерчилик ҳаракатини кучайтирамиз

АНДИЖОН, 27 март (**«Қизил Ўзбекистон» махсус мухбиридан телефон орқали**). Область қишлоқ хўжалик илғорларининг кенгаши бўлди.

Область Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ **А. Ҳайдаров** 1960 йилги қишлоқ хўжалик йилининг якунлари ва 1961 йилги вазифалар тўғрисида доклад қилди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан ўртоқлар КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларидан руҳланган область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партиямиз XXII съездини муносиб кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилаётганликларини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Учқўрғон район партия комитетининг биринчи секретари **И. Набиев**, Янгиқўрғон районидаги «Ленинград» колхозининг раиси **Охунов**, «Совой» совхозининг директори **Ў. Саримсоқов**, Фарғона область Поп районидаги «Правда» колхозининг раиси **А. Худойберганов**, Избоскан районидаги «Партия XX съезди» колхозининг раиси **А. Тиллабоев**, Наманган районидаги Сталин номли колхоз раиси **Ҳ. Соҳиббоев**, Олтинкўл районидаги Тельман номли колхоз раиси **М. Йўлдошева**, Уйчи районидаги Карл Маркс номли колхоз чўчқабоқари **Иброҳимова**, Ленин районидаги Хрушчев номли колхоз раиси **З. Собиров**, область партия комитетининг биринчи секретари **Р. Қурбонов** ўртоқлар сўзга чиқди.

Ўш область делегациясининг раҳбари **В. Никольский**, Фарғона область делегациясининг раҳбари **Т. Қамбаров** ўртоқлар ҳам сўзладилар.

Кенгашда мусобақадош Андижон, Фарғона ва Ўш областларининг колхоз, совхозларида ҳар гектар ердан 45 центнердан «Оқ олтин» етиштириш учун мусобақани кучайтиришга алоҳида эътибор берилди.

Кенгашда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Ш. Р. Рашидов** нутқ сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари бу йил Андижон области бўйича мамлакатга 652 минг тонна пахта сотиш мажбуриятини олиб, КПСС Марказий Комитети номига баланд руҳ билан мактуб юбордилар.

КЎЧАТ ЎТҚАЗАЙЛИК!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДА 1961 ЙИЛ БАҲОРДА «КУЧАТ УТҚАЗИШ ОЙЛИГИ»НИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1961 ЙИЛ 25 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Министрлик ва бошқармалар	Мевасиз мевали, ток ва тут дарахтлари кўчатларини ўтказиш (минг туп ҳисобида)		
	План	Бажарилиши	Процентн
Тошкент темир йўли бошқармаси (бошлиғи ўртоқ А. М. Қодиров)	940	990	105,3
Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши (раиси ўртоқ Н. В. Мартинов)	1344	1310,5	97,4
Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги (министри ўртоқ Э. Қ. Қодиров)	2000	1926	96,3
Коммунал хўжалик министрлиги (министр ўринбосари ўртоқ З. З. Калонов)	3700	3084	88,3
Сув хўжалиги министрлиги (министр ўринбосари ўртоқ Ф. Н. Нажимов)	10000	7080	70,8
Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги (министри ўртоқ И. В. Стрельцов)	3500	2293	65,5
Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги (министри ўртоқ Ж. Хоназаров)	38236	22583	59,0
«Главголодностепстрой» (бошлиғи ўртоқ А. А. Саркисов)	2000	1150,0	57,5
Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги (министри ўртоқ Р. С. Соатов)	600	331	55,1
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги ўрмон хўжалиги ва табиатни қўриқлаш бош бошқармаси (бошлиғи ўртоқ М. И. Исомуҳамедов)	50650	23737	46,8
Шу жумладан:			
Ўрмон хўжаликлари	15700	11228	71,5
Колхозлар	34950	12509	35,7

Жами республика бўйича 64484 минг туп дарахт кўчати ўтқазилди.

Суд ва юстиция ходимларининг республика кенгаши

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида суд ва юстиция ходимларининг республика кенгаши икки кун давом этди. Кенгаш қатнашчилари орасида прокуратура ва республика ички ишлар министрлиги органларининг вакиллари, халқ маслаҳатчилари, ўртоқлик судларининг раислари ва кўнгилли халқ дружиналарининг командирлари бор эди.

Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси У. И. Иброҳимовнинг докладида ва музокараларда суд органларининг фаолияти батафсил таҳлил этилди, республикада социалистик қонунчиликни янада мустаҳкамлаш соҳасидаги вазифалар белгиланди.

Кенгашда СССР Олий судининг раиси А. Ф. Горкин нутқ сўзлади.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Е. С. Насриддинова нутқ сўзлади.

Кенгашнинг ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари О. А. Алимов, Г. А. Гайбельянц, З. Р. Раҳимбобоева, Ш. Р. Рашидов, Ф. Е. Титов қатнашдилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўртоқ Н. Маннооновни Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри қилиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Назирулла **Маннонов** Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри.
1961 йил 27 март.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўртоқ М. Й. Қурбоновни Ўзбекистон ССР тайёрлаш министри қилиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Муҳитдин Йўлдошевич **Қурбонов** Ўзбекистон ССР тайёрлаш министри қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри.
1961 йил 27 март.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлигини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Ғалла маҳсулотлари министрлиги корхоналари ва ташкилотлари базасида Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлиги ташкил этилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри.
1961 йил 27 март.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Туғилган кунига 50 йил тўлганлиги муносабати билан ва партия ҳамда совет органларидаги кўп йиллик, бенуқсон ишлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларига мувофиқ, Қорақалпоғистон область партия комитетининг иккинчи секретари Алексей Захарович **Завьялов** ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети қуриллиш ва бинокорлик материаллари бўлимининг мудири Алексей Тимофеевич **Шахов** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар.

ХРОНИКА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1961 йил 27 март Фармонига мувофиқ, Ўртоқ Жўра **Хоназаров** бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министри вазифасидан озод қилинди.

Илғорлар ва қолоқлар

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

<>

Поп район КПСС Марказий Комитети январь пленумида илғор районлар қаторида тилга олинди. Попликлар ўтган йили Фарғона областида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажардилар. Пахта ҳосилдорлигини ошириш, пахтачиликдаги прогрессив методларни қўлланиш, оз меҳнат сарф қилиб кўп ҳосил олиш, пахтанинг таннархини камайтириш соҳасида бу районда катта ишлар қилинди. Булар ҳаммаси ҳалол, фидокорона меҳнатнинг дастлабки самараларидир.

Етти йилликнинг учинчи йилида Поп районида пахтанинг ялпи ҳосили 31 минг 500 тоннага етказилади. Бу, ўтган йили йиғиштириб олинган ҳосилга қараганда 3 минг тонна кўп.

Олинган юксак мажбуриятни бажариш учун астойдил меҳнат қилиш талаб этилади. 11 минг 720 гектар майдондан 11 минг гектари квадрат-уялаб чигит экишга тайёрлаб қўйилди. Чигит экишни қисқа муддатда сифатли ўтказиш учун 120 экипаж шайланди. Экипаж аъзолари билан амалий машғулотлар ўтказилди. Ҳамма майдонлардаги ғўзаларни икки томонлама ишлаш учун ҳозирданоқ шарт-шароитлар яратилди.

Райондаги совхоз ва колхозларда техника тайёр. 68 ҳайдов, 251 чопиқ трактори, 150 сеялка, 69 культиватор ва бошқа қишлоқ хўжалик механизмлари ремонтдан сифатли чиқарилди ва амалий машғулотлар синаб кўрилди.

Бу йил ҳавонинг қуруқ келаётганини ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалик экинлари, айниқса, чигит экиладиган майдонларнинг 97 проценти қўшимча суғорилди. Чигитни ернинг ўз намига ундириб олиш чоралари кўрилди. 5481 гектар майдон яхобдан сўнг бороналиниб, чигит экишга ҳозирлаб қўйилди. Ҳар бир бригадада чигит экиш юзасидан бевосита далада амалий машғулотлар ташкил этилди.

Ҳосилдорликни ошириш асосан ерга боғлиқ. Ернинг ҳосилдорлигини ошириш эса, деҳқоннинг қўлида. Ер яхши ишланса, унга етарли миқдорда гўнг ва минерал ўғит солинса кўнгилдагидек ҳосил олиш мумкин. 90 автомашина, 228 арава, ўнлаб тракторларга тиркалган прицеплар маҳаллий ўғит ташиш билан банд. Пахта майдонларига кузда солинган гўнгдан ташқари 73 минг 561 тонна маҳаллий ўғит чиқарилди. Ҳар гектарга 15 тонна гўнг чиқариб солиш попликларнинг шу кундаги шиори бўлиб қолди.

Гектаридан ўртача 38 центнердан ҳосил кўтарган, республикада ҳосилдорлик мусобақасининг ташаббускорларидан бири — «Правда» колхози (раиси Абдуллажон Худойберганов, партия ташкилотининг секретари Абдужалил Каримов ўртоқлар) бу йил 45 центнер учун курашмоқда. Ерлар чигит экишга тайёр. Пахта майдонининг ярмидан кўпроғидаги ҳосил машинада терилади. Ҳар центнер пахта таннархини 11 сўмга тушириш юзасидан иш олиб борилмоқда. Ўтган йили гектаридан 48 центнердан ҳосил олган Ўнар Шодмонов, Эгамберди Акбаров ўртоқлар бошлиқ бригадалар 50 центнер учун замин яратмоқдалар. Аҳмаджон Одилов, Тошмат Умрзоқов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган Ленин номли колхоз 1500 гектар пахта майдонига эга. Бу ерда мажбурият гектар бошига 40 центнер, ерларни шудгор қилиш, яхоб бериш туганланди. Ҳамма пахта майдони борона қилинди. Бу колхозда пахтачиликдаги прогрессив методлар кенг жорий этилмоқда. Барча бригадада чигит квадрат-уялаб экилади.

Колхоз Марказий Фарғонанинг Найман массивидан 600 гектар янги ер ўзлаштирди. Бундан 400 гектарига шу йилнинг ўзида чигит экилади. Янги ерларда иш олиб бораётган Парпи Хўжаев бригадаси ўтган йили 100 гектар майдондан 22 центнердан ҳосил олган эди. Бригада бу йил яна 150 гектар янги ер ўзлаштирди. Ҳосилни гектарига 8 центнер кўпайтирмоқчи. Меликўзи Умрзоқов Умриниса Хаитова, Деҳқон Орипов, Ҳамиджон Алижонов ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳам кўкламни камчиликсиз кутиб олдилар.

Шуни эътироф этиш керакки, районда илғор хўжаликлар билан бир қаторда қолоқлар ҳам бор. «Коммунизм» колхозида (раиси Маҳкам Турдиалиев, партия ташкилотининг секретари Мутал Уролов) кўкламга тайёрлик ниҳоятда суст. 1450 гектар пахта майдонидан фақат 400 гектари чигит экишга тайёр. Ер атрофлари, уватлар ишланмаган. Ғўнг тайёрлашга панжа орасидан қаралмоқда. Шу кунгача тайёрланган ғўнг гектарига 4 тоннага ҳам етмайди. 16 автомашинадан 3 таси, 45 аравадан 16 таси дала ишларида, холос. Ҳасан Исомиддинов, Абдуқодир Ўнаров, Давлатали Ризқулиев, Камол Деҳқоновлар бошлиқ бригадалар чигит экишга тайёр эмас.

Колхознинг 300 гектар пахта майдонига шу кунгача яхоб берилмаган. Мавжуд сув билан ҳар куни 140-150 гектар майдонни суғорса бўлади. Амалда эса 25-30 гектарга сув берилмоқда. Колхознинг кўпчилик участкаларида квадрат экадиган агрегатларнинг экипаж аъзолари билан амалий машғулотлар ўтказилмаган.

«Москва» колхозининг раиси Ҳошимхон Бобохўжаев пахтачиликдаги прогрессив методларни менсимайди. Шу сабабли у раҳбарлик қилаётган колхоз ўтган йили гектаридан фақат 18 центнердан ҳосил олди. Бу йилги ишлар ҳам мажбуриятга яраша эмас. 1075 гектар пахта майдонидан энди 400 гектари чигит экишга тайёрланган, холос.

Акбар Холматов бригадасида 80 гектар пахта майдони бор. Шундан 13 гектари шу кунгача ҳайдовдан чиқарилмаган. 25 гектар майдон яхобсиз ётибди. Бригада бирор гектар майдонни чигит экишга тайёрламаган. Далага ғўнг чиқарилмаяпти. Қурол Қиличов, Абдужаббор Арапов, Сайна Қуролов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам кўкламга тайёрлик қониқарсиз.

«Сталинград», Сталин номли колхозларнинг кўкламга тайёрлик ишларида жиддий нуқсонлар ҳукм сурмоқда. Буларда мавжуд имконият ва резервлардан фойдаланилмаяпти.

Илғорларнинг тажрибаларини оммалаштириш, қолоқларни илғорлар даражасига етказиш район ташкилотларининг шу кундаги муҳим вазифасидир.

Р. РАҲМОНОВ, А. КАРИМОВ, Х. МАДАЛИЕВ, Х. ТОЖИБОЕВ, — **«Қизил Ўзбекистон» мухбирлар пости аъзолари, И. ШАМШАРОВ, И. ТЎХТАСИНОВ — «Қизил Ўзбекистон» махсус мухбирлари.**

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети совхозларга раҳбарликни яхшилаш мақсадида республика Министрлар Совети ҳузурида Совхозлар бош бошқармасини (хўжалик ҳисоби асосида) ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Совхозларнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик-молиявий фаолиятига раҳбарлик ва контроль ишлари бу бошқарманинг зиммасига юкланди. Ана шу раҳбарлик ва контроль ишлари область ва Қорақалпоғистон республикаси совхоз трестлари орқали амалга оширилади.

Совхоз трестлари билан бир қаторда Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг транспорт-экспедиция конторалари, шунингдек паррандачилик фабрикалари ва инкубатор-паррандачилик станциялари республика трестига айлантирилган инкубатор-паррандачилик станциялари республика конторасига Бош бошқармаси ихтиёрига топширилди.

ОЛТИН КИТОБГА ЁЗИЛИШ УЧУН КУРАШАМИЗ!

«Ўртоқлар! Шимолий Кавказ қишлоқ хўжалик илғорларининг кенгашида сўзлаган нутқимда, эҳтимолки, Олтин китоб таъсис этиш ва унга ишлаб чиқаришни ривожлантиришда жуда катта муваффақиятларга эришган колхозлар ва совхозларнинг номларини ёзиб бориш керак, деб айтган эдим. Бундай китоб таъсис қилинганидан кейин, унга фақат колхозлар ва совхозларнингина номларини ёзиб бориш билан чекланилмайди. Бу китоб саҳифаларига совхоз ишчиларининг ва колхозчиларнинг, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг ҳам номлари ёзилиши лозим.

Колхозлар ва совхозлардан биринчи мингтасининг номи Олтин китобга ёзилиб бўлгандан кейин, биз шу колхозлар ва совхозларнинг вакилларини партия ва ҳукумат раҳбарлари билан учрашмоқ учун Москвага таклиф қиламиз.

...Олтин ҳурмат китобига ёзилиш шарафига сазовор бўлиш ҳуқуқи учун мусобақа ташкил қилиш керак. Бу ҳам ишлаб чиқаришни ўстиришни рағбатлантиради деб ўйлайман. Олтин китобга қанча кўп колхоз ва совхоз ёзилса, бизнинг қишлоқ хўжалигимиз ишлаб чиқаришнинг юксак даражасига шунчалик тез эришади».

Н. С. ХРУШЧЕВ.

ИЗБОСКАН РАЙОНИДАГИ СТАЛИН НОМЛИ КОЛХОЗ АЪЗОЛАРИ:

ОЛТИН ҲУРМАТ КИТОБИГА ЁЗИЛИШ ШАРАФИГА САЗОВОР БЎЛИШ УЧУН МУСОБАҚА БОШЛАЙЛИК!

Водийда баҳор. Ўрик гуллади. Ернинг тафти шунчалик бўлдики, чигит тушса бир ҳафта ўтмай бош кўтаради. Буни пайқаган илғор бригадаларда экишга тушилди. СУРАТДА: Избоскан районидаги Сталин номли колхознинг тракторчиси Исоқ Умрзоқов ва сеялкачиси Тўйчи Олимов ўртоқлар чигит экишнинг дастлабки кунида. Ҳозир бу колхозда 150 гектар майдонга квадрат-уялаб чигит экилди.

С. Безносов фотоси.

МЕҲНАТ—ҚАҲРАМОНЛИК ИШИ

С. АЗИМОВ,
Илғор звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

Совет замонасида, Коммунистик партия бизга йўл кўрсатган мамлакатда меҳнат шон-шараф ва қаҳрамонлик ишига айланди. Буни бизнинг колхозимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Пахтачиликда жон куйдириб астойдил ишладик. Партия ва ҳукуматимизга минг раҳмат, халқимизга минг раҳмат. Ишимизга юксак баҳо бериб, меҳнатимизни қадрлади, кўксимизга Олтин медаль, Ленин ордени тақди.

Меҳнатга ҳурмат кишини борган сари яхшироқ ишлашга руҳлантиради. Бу йил биз партиямизнинг XXII съезди шарафига ҳар қачонгидан кўп мўл ҳосил етиштириш мажбуриятини олдик. Биз звеномиз бўйича гектаридан 60 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олиб, Олтин ҳурмат китобига номимиз ёзилишдек бахтга сазовор бўлиш учун мусобақани кучайтирамиз.

ЗАМОН ЯШАРТИРЯПТИ

А. БЎРОНОВ,
тажрибали пахтакор, пенсионер

Ёшим олтмиш бешдан ошди. Болаларимнинг орзу ҳавасини кўрмоқдаман. Кўп невара-чевараларим бор. Лекин, кўнглим ёш, ўзимни ҳали ҳам бақувват ҳис қиламан. Нега десангиз, орзуларимиз рўёбга чиқди. Бахтли, ёруғ замонда бадавлат яшамоқдамиз. Қишлоқда ҳамма нарса сероб, мўл-кўлчилик. Рўзғоримиз бут.

Бултур колхозимизнинг йиллик даромади эски пулда 33,5 миллион сўм бўлди. Бу йил янги пулда 4 миллион сўмга етади. Демак турмушимиз тағин ҳам яхшироқ бўлади.

Колхоз, қишлоқ гуллаётганини кўрганим сари кўпроқ ишлагим келади. Баъзи бир кишилар, ҳатто ўғил-қизларим: ота, кексардингиз, дам олинг дейишади.

Йўқ, ҳозир ўзини тетик сезган киши учун дам оладиган пайт эмас. Халқимиз улуғ ишлар қиляпти. Бу ишлардан сира чеккада қолгим келмайди.

Колхозимиз янги мажбурият олди: гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» топширамиз дедик. Бу катта курашдан ҳеч қайсимиз четда қолмаймиз.

ТЕХНИКАГА ТАЯНАМИЗ

А. АЗИЗОВ,
15-бригаданинг механик-ҳайдовчиси

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Шимолий Кавказ, шунингдек Акмолинск — ҳозирги Целиноград қишлоқ хўжалик илғорларининг кенгашларида ва бошқа катта йиғинларда сўзлаган нутқларини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдик. Партиямиз Марказий Комитетининг Биринчи секретари қишлоқ хўжалиги илғорларининг номи Олтин ҳурмат китобига ёзилса арзийди деб, қаҳрамон халқимизнинг яратувчилик ишига жуда юксак баҳо бермоқда.

Мен бултур «СХМ-48М» машинасида 190 тонна пахта тердим. Бу йил «ХВС-1,2» машинасини миниб, 300 тонна теришга сўз бераман. Бригадамизнинг 115 гектар майдонига чигитни нуқул квадрат-уялаб экишга тушдим.

Ҳосилдорликни техникага таяниб оширамиз. Колхозимизда 21 та терим машинаси бор. Етиштириладиган пахта ҳосилининг қарийб учдан бир қисмини машинада териб оламиз.

Халқимиз ипак кийсин

Х. СИРОЖИДДИНОВА,
пиллачи

Биз пахтакорлар ҳам, пиллачилар ҳам халқимизга энг яхши кийим-кечаклар туҳфа қиламиз. Яхши ишлаб, яхши яшаётган совёт кишилари энг яхши шойи, атласларни, нафис кийимларни кийсин деб пилла ҳосилдорлигини ҳам ошириш учун курашмоқдамиз.

Ўтган йили мен 2 қути қурт уруғидан 244 килограмм пилла топширдим. Бу йил жонажон партиямизнинг XXII съезди шарафига социалистик мусобақага қўшилиб, ҳар бир қутидан 130 килограммдан пилла топшириш мажбуриятини олдим. Колхозимиз давлатга бултургига нисбатан 4 тонна кўп яъни 27 тонна пилла топширади.

Биз қурт боқиш мавсумига ҳамма нарсани тахт қилиб қўйдик. Ипак қуртларини жадал усулда боқиб мўл-кўл ҳосил оламиз.

КОММУНИСТИК МАЪМУРЧИЛИК УЧУН

Партия, ҳукуматимиз совет кишиларининг турмуш фаровонлигини тобора яхшилаш тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилмоқдалар.

Тарихда мисли кўрилмаган ишларни қилаётган халқимиз дунёда энг яхши яшашга сазовордир. Шунинг учун ҳам коммунистик мўл-кўлчилик йўлида ҳормай-толмай ишлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Колхозимиз аъзоларининг 1960 йилдаги ютуқларига қисқача тўхталиб ўтайлик. Сталин номли колхоз бултур 3050 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34 центнердан ҳосил териб олиб, давлат «оқ олтин» хазинасига 10200 тонна пахта топширди. Бу — кичикроқ битта районда тайёрланган пахтага тенг.

Машинанинг ҳосияти, механизациянинг шарофатини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Чигитни квадрат-уялаб экмаганимизда, ғўза қатор ораларини икки томонлама — энига ва бўйига культивация қилмаганимизда, ҳаммадан ҳам пахта териш машинасига ихлос қўймаганимизда, катта майдонларда ана шундай мўл-кўл ҳосил етиштириш, уни жадал териш мумкинмиди?! Йўқ. Энди механизация деққоннинг бамисоли қаноти бўлиб қолди. Шу қаноти бўлмаган деққон баланд кўтарилолмайди, юқори ҳосил ололмайди, етти йилликнинг янги марраларига илдам, муддатидан илгари боролмайди.

Биз қадрдонимиз Никита Сергеевич Хрушчевга катта раҳмат айтишимиз керак. Чунки ўртоқ Хрушчев бошлиқ партиямизнинг ленинчи Марказий Комитети қишлоқ хўжалигида механизацияга кенг йўл очиб берди. Эсингизда бўлса керак: Никита Сергеевич Ўрта Осиё, Закавказье республикалари ва Қозоғистон ССР пахтакорлари вакилларининг Тошкентда бўлиб ўтган кенгашида ҳам, Кремлда бўлиб ўтган кенгашда ҳам бизга қандай қилиб чигит экиш, қандай қилиб оғир, кишининг тинкасини қуритадиган кетмонни улоқтириб ташлаш, этакдан бункерга ўтиш тўғрисида жудаям қимматли маслаҳатларни берди. Партиямиз Марказий Комитети кўрсатиб берган йўлдан бориб барака топдик.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш йўлидаги астойдил ғайрати ҳаммамизга маълум. Миллион-миллион гектар қўриқ ва бўз ерларни очишда Никита Сергеевич кўрсатган ташаббус муносиб тақдирланди. Янги ер очувчилар ўртоқ Хрушчевни қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришда матонат кўрсатган кишиларга бериладиган медаль билан мукофотладилар. Қардош Қозоғистон ССР да таъсис қилинган Олтин ҳурмат китобига дастлаб КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси кадрдон Никита Сергеевич Хрушчевнинг номи ёзилиши бутун совет халқини, шу жумладан бизни чексиз қувонтирмоқда.

Меҳнат —шон-шараф ва қаҳрамонлик ишига айланган мамлакатимизда жон куйдириб ишлайдиган илғор кишилар, қишлоқ хўжалигидаги машъаллар СССР орден ва медаллари билан тақдирланади, энг яхши кишиларга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган унвон берилади. Коммунистик мўл-кўлчилик учун буюк курашдаги меҳнат қаҳрамонларининг номи бундан кейин Олтин китобларга ёзилади.

Олтин ҳурмат китобига ёзилиш ҳуқуқига—шундай юксак шарафга сазовор бўлиш учун мусобақани кучайтириб юборсак, етти йиллик марраларига тағин ҳам тезроқ етиб борамиз, пешқадамлар, илғорлар сони тобора кўпаяверади.

Колхозимиз аъзолари ўртоқ Хрушчевнинг Олтин ҳурмат китоби таъсис этиш тўғрисида айтган фикрларини жон-дилларидан маъқуллаб, социалистик мусобақа байроғини бу йил, етти йилликнинг учинчи йилида жонажон партиямизнинг XXII съезди чақириладиган тарихий йилда ҳар қачонгидан баландроқ кўтарамиз деяптилар.

Биз колхозчилар, активлар, коммунистлар билан маслаҳатлашиб чиқдик. **Улар Олтин ҳурмат китобига ёзилиш шарафига муяссар бўлиш учун мусобақани кучайтириб, бу йил 3050 гектар майдоннинг ҳар гектаридан илгари мўлжалланган 37 центнер ўрнига 40 центнердан, жами 12200 тонна пахта ҳосили олишга аҳдлашмон қилдилар.**

Бунинг учун қандай резервлар, қандай имкониятлар бор?

Гектар бошига ҳосилдорликни ошириш, бунинг учун техниканинг кучидан, ҳар бир қарич ердан тўла фойдаланиш энг катта резерв. Мана, масалан, бултур колхозимизнинг Сотволди Ғаниев бошлиқ трактор-далачилик бригадаси 73 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 43,5 центнердан ҳосил кўтарди. Ҳосил мўл бўлгани устига пахтанинг таннархи арзон тушди. Бу бригада 1961 йилда гектаридан 45 центнердан ҳосил топширади.

Колхозимизда худди шундай ерсув шароитига эга 38 та бригада бор. Агар ана шу бригадаларнинг ҳар бирида бу йил гектаридан ўртача ҳисобда 40 центнердан ҳосил олинса, биз давлатга бултургига нисбатан 2000 тонна пахтани кўп сотамиз.

Еримиз саҳий, унинг бағри кенг. Фан ва тажрибага таяниб, механизациянинг кучидан тўла фойдаланиб, қунт билан ишлаймиз. Мажбуриятимизни сўзсиз бажарамиз.

Энди икки оғиз сўз экиш-тикиш ҳақида. Қисқа қилиб айтсак, биз бу йилги ҳосил учун курашни ўтган йили куздаёқ бошлаган эдик. Ҳамма нарса кўкламга тақ қилиб қўйилди. Ер етилган жойда тупроқнинг қизишига қараб чигит экишни ҳам бошлаб юбордик. **Бугунги кунгача 150 гектар ерга чигит, 161 гектар майдонга маккажўхори экиб бўлдик.**

Биз бу йилги шароитда ернинг намини қочириб қўймасликка, карталарни текислашга алоҳида эътибор берямиз. Ернинг нами қочмасин деб ҳар йилгидан кўп гўнг соляпмиз. Гектар бошига 12 тоннадан гўнг жамғарган бўлсак, ҳозир ҳар гектарига шундан 10 тоннаси тушди. Деҳқонлар семиз ер, ўғитланган ер намни узоқ сақлашини яхши биладилар.

Чигитни ҳам, маккажўхорини ҳам нуқул квадрат-уялаб экяпмиз. Уруғни барвақт, узоғи билан 10 апрелгача бир текис ундириб олиб, ҳамма ердаги ғўзани ҳам, маккажўхорини ҳам кетмон ишлатмасдан парвариш қиламиз. Пахтанинг ярмини, яъни бир ярим минг гектардан ортиқроқ майдондаги ҳосилни машинада териб оламиз. Ялпи ҳосилнинг ярмидан кўпини колхозимизнинг пахта тозалаш заводига қоп-қанорсиз ташиймиз.

Мамлакатимизда коммунистик мўл-кўлчиликни вужудга келтиришдан иборат олижаноб ишга — умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшамиз.

М. СУЯРОВ,
колхоз раиси,

Н. ҚИРҒИЗОВ,
партия комитетининг секретари.

КОММУНИЗМ НИШОНАСИ

Т. ЖЎРАЕВ,
колхоз пахта тозалаш заводининг ишчиси.

□ □ □

Қишлоқда ишчилар синфининг вакиллари бор. Бу КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми тарихий қарорларидан кейин ҳаётимизда юз берган янгиликдир. КПСС Марказий Комитети январь Пленуми арафасида колхозимизнинг пахта тозалаш заводи ишга тушди. Биз кечаги колхозчилар бугун шу завод ишчиларимиз. Бу, қишлоқдаги революцион ўзгаришни, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовут йўқолиб бораётганлигини кўрсатмайдими?

Мен слесарман. Кечаги колхозчи Сотқин Эргашев жинчи, Ёқубжон Мадумаров гидро насосда ишлайди. Раҳимберди Каримов прессчи. Колхозимиз далаларида етиштирилган ҳосил машинада териб олингач, корхонага қоп-қанорсиз ташилади. Давлатга энди тола топширмоқдамиз. Бу колхозга ҳам, давлатга ҳам қулай. Завод қурилгандан кейин пахтанинг сорти, уруғ танлаш яхшиланди.

Биз жанговар ишчилар синфининг қишлоқдаги вакиллари ҳам Олтин китобга ёзилиш шарафига муяссар бўлиш учун мусобақани кучайтирамиз.

ГЎШТ, СУТ ТАҒИН КЎПАЯДИ

Ҳ. РАЗЗОҚОВА,
сут соғувчи

КПСС Марказий Комитетининг тарихий сентябрь (1953 йил) Пленумидан кейин пахта ҳосилдорлиги колхозимизда айниқса кўтарилди. 1953 йилда гектаридан 28 центнердан ҳосил олинган бўлса, ўтган йили колхозимиз ҳар гектар майдондан 34 центнердан пахта топширди. 1953 йилда колхознинг даромади 21 миллион 600 минг сўм эди, ўтган йили 33,5 миллион сўм бўлди. Шундан қарийб 1,5 миллион сўми чорвачиликдан келди. Ҳолбуки, илгари пахтадан топган пулимизни чорвага сарфлар эдик, чорвачилик фойда ўрнига зарар келтирарди.

Бу йил биргина жамоат маҳсулдор чорвачилигини ривожлантиришдан колхоз янги пул билан 200 минг сўм даромад олади. Давлатга бултургидан 150 тонна кўп сут, 22 тонна кўп гўшт, 4 тонна кўп пилла, 2 тонна кўп жун сотилади.

Мен бултур ҳар бир сигирдан 3500 килограммдан сут соғиб олган эдим. Бу йил 4 минг килограммдан, жами 20 та сигирдан 80 тонна сут соғиш учун курашмоқдаман. Албатта бу камлик қилади. Чунки ҳозир илғорлар сигирларни «арча» усулида соғишга кўчмоқдалар. Биз ҳам яқин орада арча усулига кўчамиз. Ҳозир 550 та сигирни 35 киши соғаётган бўлса, арча усулига кўчганимиздан кейин сут-товар фермасида фақат 5 киши қолади. Ҳар биримиз 110 тадан сигир соғамиз. Ҳозир бир килограмм сутнинг таннархи янги пулда 8 тийин бўлса, арча усулига кўчгач 6 тийинга тушади.

Аҳоли жон бошига чорвачилик маҳсулотлари етиштириш жиҳатидан яқин йилларда АҚШ га етиб олиб, ундан ўзиб кетамиз. Ана шу буюк курашда қатнашаётган ҳар бир қаҳрамоннинг номи Олтин китобга ёзилса арзийди.

БУЮК ҲУРМАТГА САЗОВОР

Ҳ. РАҲМОНОВА,
10-бригаданинг агитатори, ўқитувчи, ВЛКСМ аъзоси

Мен мана шу Шерматобод қишлоғида туғилиб ўсганман. Қишлоғимизнинг номи колхозимизнинг марҳум раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шермат Юсупов хотирасини абадийлаштириш учун унинг номига қўйилган. Оддий пахтакорнинг номи сира унут бўлмайди. Унинг қабри ҳам шу қишлоқнинг ўртасида.

Бу кичик бир мисолдан ҳам меҳнат аҳлига бўлган буюк ҳурматни сезиш мумкин. Колхозимиз аъзоларидан ҳозир икки киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, жуда кўп киши Ленин ордени ва бошқа орден ва медаллар билан мукофотланган.

Мен ўртоқ Турдихон Қодирова бошлиқ коммунистик меҳнат бригадасида агитаторман. Бу бригада аъзолари бу йил 77 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олиб, ҳамма нарсани тахт қилган ҳолда экишга тушдилар.

Мен колхозчиларга КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини, ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг нутқларида баён қилинган қимматли фикрларни колхозимиз, қишлоғимиз ҳаётидан олинган жонли мисолларда тушунтирмоқдаман. Колхозчилар Олтин китоб тўғрисидаги хушхабарни айниқса мамнуният билан қабул қилдилар. Улар меҳнат аҳлига кўрсатиладиган янги ҳурмат учун партия, ҳукуматимизга раҳмат айтяптилар.

КАТТА БАХТ

О. БОБОЕВ,
колхоз боғбони

Қишлоғимизга бир келинг, қандай ишлаб, меҳнатимиз билан уни қандай безаганимизни ўз кўзингиз билан кўрасиз. Колхозчилар янги уйларда туришади, янги кўчалар чиқарилган. Фақатгина 3-4 йил ичида 250 колхозчи янги уйга кўчиб чиқди. Энди колхозимиз аъзолари учун икки қаватли, орқасида чорбоғи билан кўпхонали квартиралар қуриляпти. Яқин орада 70 хўжалик икки қаватли, томорқаси бор янги квартираларга кўчиб чиқади.

Колхозимизнинг пахта тозалаш заводи, мактаб-интернати, радиоузели, касалхонаси, маданий-маиший бинолари бор. Биргина шу йилнинг ўзида ободончилик ишларига янги пулда 600 минг сўмча, маданий ишларга 81 минг сўм сарфланади.

Боғ-роғларимизни айтмайсизми. 80 гектар боғимиз бор. Шундан 10 гектари токзор.

Яна янги боғ қиляпмиз. Яхшилардан яхши нишона қолади. Мен кўчат ўтқазар эканман, токларнинг сочини тарар эканман ич-ичимдан қувонаман: бу дарахтларнинг мевасини ҳамқишлоқларим, совет кишилари татиб кўради. Ҳамма нарса инсон бахт-саодати учун, ҳамма нарса кишининг бахтли ҳаёт кечириши учун хизмат қилаётган юртда яшаш, меҳнат қилиш нақадар яхши!





Ленин ордени Андижон область Избоскан районидаги Сталин номли колхоз аъзолари Олтин ҳурмат китобига ёзилиш шарафига сазовор бўлиш ҳуқуқи учун социалистик мусобақани бошлаб юбордилар. СУРАТДА шу колхознинг илғор кишилари (юқоридан пастга): кекса тажрибали пахтакор А. БЎРОНОВ, колхоз раиси М. СУЯРОВ, колхоз пахта тозалаш заводининг слесари Т. ЖЎРАЕВ, коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи Т. ҚОДИРОВА, механик-ҳайдовчи Р. ТЎЙЧИБОЕВ, ўқитувчи-агитатор Ҳ. РАҲМОНОВА, колхоз партия комитетининг секретари Н. ҚИРҒИЗОВ, бригадир — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Э. МИРЗАЕВ. (Пастда, чапдан ўнгга): моҳир сут соғувчи Ҳ. РАЗЗОҚОВА, боғбон О. БОБОЕВ, илғор пиллачи Ҳ. СИРОЖИДДИНОВА, гектаридан думбул сутаси билан 1000 центнердан кўкпоя етиштириш мажбуриятини олган маккажўхорикорлик бригадасининг бошлиғи А. ИБРОҲИМОВ ўртоқлар.

С. Безносов фотолари.

КПСС XXII съезди шарафига

ТАХИАТОШ ГРЭСИ ҚУРИЛИШИДА

Кун сайин ГРЭС нинг қадди ростланиб, ҳуси-жамоли очилмоқда. 1 Май яқинлашган сари қурувчиларнинг ғайрат ва шижоати ҳам ортмоқда, ишларнинг кам-кўсти битказилмоқда. Чунки азамат қурувчилар Қорақалпоғистон нурхонасини шу куни қуриб битказишга сўз берганлар. Бу, уларнинг партия XXII съездига муносиб совғаси бўлади.

Бу ерда ишлаётганлар орасида жуда кўп улкан қурилишларни кўрган, кўргангина эмас, уларни тиклашга қўл урган, муносиб ҳисса қўшган кишилар ҳам, каналлар қазиб, сув чиқарган, уй-жой, маданий-маиший бинолар, чорвачилик ва бошқа иншоотлар қуриб юрганлар ҳам бор. Лекин қурувчиларнинг аксарияти ёшлардир. Улар кечагина мактаб партасида илм олиб, меҳрибон ўқитувчиларнинг тарбиясини кўрганлар.

Бу ёшларнинг ота-боболари бундай қурилишларни қаерда кўрибди дейсиз. Улар пахта экиб, чорва боқиб умр ўтказишган. Уларнинг фарзандлари эса Қорақалпоғистон, Хоразм ва қардош Туркманистоннинг Тошовуз областлари механизаторларининг уйини чароғон, меҳнатини енгил, турмушини фаровон қиладиган, эл бойлигига бойлик қўшадиган ажойиб иншоот барпо қилмоқдалар. Сиз кўриб турган ёшлар—ГРЭС комсомол ташкилотчиси Сеилхон Ариқбоев бошчилигидаги коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари ўз ишларидан мамнун, ҳали яна кўп ишларга қодир азаматлардир. Улар билан танишинг (чапдан ўнгга): бетончи Очил Тикеев, дурадгор Муратбой Жамбаев, ғишт терувчи Жумантов Нуркашев, бригадир Сеилхон Ариқбоев, ғишт терувчи Марат Хожамбоев, дурадгор Хабир Мургазин, сувоқчи Мамадин Каухбаев, ғишт терувчилар — Қурбон Бобожонов ва Худойберган Тўрабоев. Бу бригада ойлик нормаларни доимо 130-140 процентдан бажариб келмоқда, қилган ишлари фақат «аъло» баҳога қабул қилинмоқда.

Р. Саидов фотоси.

ҚИСҚА МУДДАТДА

ИШТИХОН, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл етиштириш юзасидан белгилаган программасини муваффақиятли амалга ошириш учун курашаётган «Қўшработ» совхозининг ғаллакорлари дон экиш планини бултургига нисбатан анча илгари бажардилар. Жами 15 минг 500 гектар майдонга дон экилди.

Тракторчилардан Ф. Тоғаев, Э. Бердиев, А. Туробов ва бошқа ўртоқлар ўз агрегатларини икки сменада ишлатиб, дон экишнинг қисқа муддатларда ўтказилишига катта ҳисса қўшдилар.

Маккажўхори экилмоқда

Бешкент район хўжаликларида маккажўхори экиш бошланди. «Коммунизм» колхозининг Берди Жумаев бошлиқ маккажўхорикорлик бригадаси янги ер очиш ҳисобига экин майдонини 280 гектарга етказди. Бригада аъзолари 98 гектар ерга квадрат-уялаб маккажўхори экдилар.

Ш. СИДДИҚОВ.
«Қизил Ўзбекистон»нинг штатсиз мухбири.

Умрлар бўладики, мангу тирикдир

(С. М. Киров туғилган кунининг 75 йиллиги муносабати билан)

Сергей Миронович Киров (Костриков) 1886 йили Вятка губернаси (ҳозирги Киров области)га қарашли Уржум шаҳарчасида туғилди. 4 ёшида отадан, 7 ёшида онадан етим қолиб, очлик ва қашшоқликнинг машаққатини тортди, етимхонада катта бўлди. Муҳтожликда яшаганига, аҳволи ниҳоятда оғир бўлганига қарамай, қунт билан ўқиб 1901 йили Уржумдаги шаҳар мактабини муваффақиятли тамомлади. Шу йили энг яхши ўқувчи сифатида Қозондаги механика-техника ўқув юртига юборилди.

С. М. Киров ўқиб юрган кезларидаёқ революцион ишларга қатнаша бошлайди. 15 ёшли Сергей Миронович Қозонга сургун қилинган сиёсий маҳбуслар билан танишади, улардан сиёсий адабиётлар ҳамда ленинчи «Искра»нинг айрим сонларини олади. Ёш Киров ана шу йилларда Владимир Ильичнинг асарлари билан биринчи бор танишади ва Ленинга сўнмас меҳр қўяди. Шу даврдан бошлаб Сергей Миронович Ленининг шогирдига айланиб, умрининг охиригача Ленинга содиқ қолади.

1904 йили С. М. Киров ўқув юртини аъло баҳолар билан тамомлаб, Томскка ишга жўнайди. Бу ерга келиши биланоқ большевикларнинг махфий социал-демократик тўгаракларига қатнаша бошлайди ва тез орада Россия социал-демократик ишчилар партиясига аъзо бўлиб киради.

Сергей Миронович 1905 йил 9 январь қонли якшанба фожиасидан сўнг кураш майдонига отилган Томск ишчиларининг олдинги сафида бўлди.

Тўқинишлар вақтида бир ишчининг қалин бўлиши муносабати билан Киров дарҳол варақа ёзиб, намойишчилар орасида тарқатди ва ишчиларни яна ҳам жипслашиб-роқ, яна ҳам шиддатлироқ жанг қилишга даъват этди. Ишчиларнинг қасамёдидай жарангловчи бу хитобномани В. И. Ленин бошчилигида нашр этилаётган «Вперед» газетаси муҳим тарихий ҳужжат сифатида қора ҳошияга ўраб эълон қилди.

1905-1911 йилларда С. М. Киров турли муддатлар билан тўрт марта қамоққа олинди ва ҳар сафар тюрьмадан озод этилиши биланоқ революцион курашни давом эттираверди. Ҳатто у Владикавказ тюрьмасида экан, шу ерда ҳам тинч ётмади. Яширин суратда қўл ёзма журнал чиқариб, уни маҳбуслар орасида тарқатди, тўрт тарафдан қуршалган зимзиё камоқхонада ҳам озод ва ёрқин ҳаёт учун кураш йўлларини тарғиб қилишга имкон топди.

Россияда иккинчи революция етилаётган даврда С. М. Киров Владикавказда бўлди. Меҳнаткашлар ва айниқса тоғли халқлар ўртасида қизғин иш олиб борди ва уларни яқинлашиб келаётган катта революцияга тайёрлади.

Киров Улуғ Октябрь социалистик революциясида актив қатнашди. У, революциянинг дастлабки муваффақиятларини ички ва ташқи душманлар хуружидан ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсатди. 1919 йил бошларида партиянинг топшириғи билан Астраханга борib, Астрахань мудофаасини ташкил қилишда, ишчиларни, Қизил Аскарларни ва барча меҳнаткашларни интервентлар ва оқгвардиячиларга қарши курашга сафарбар этишда актив роль ўйнади. Астраханнинг ўзида кўтарилган контрреволюцион исённи бостиришда жасорат кўрсатди.

Сергей Мироновичнинг моҳир сиёсий раҳбар ва ажойиб стратег, жўшқин нотиқ ва пишиқ қўмондон эканлиги айниқса шу йилларда яққол намоён бўлди.

Совет ҳукумати С. М. Кировнинг чет эл интервенцияси ва гражданлар уруши йилларида ички ва ташқи душманларга қарши курашни ташкил этиш ва унга шахсан раҳбарлик қилиш соҳасида кўрсатган буюк хизматларини тақдирлаб, уни Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлади.

1921-1925 йилларда С. М. Киров Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг секретари вазифасида ишлади. У, кўп миллатли Кавказни улкан ва иноқ совет оиласига бирлаштир и ш йўлида катта ишлар қилди. Партия ва ҳукуматимиз Сергей Мироновичнинг Боку нефть хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш соҳасида кўрсатган ғайрат ва шижоатини юксак мукофот—Ленин ордени билан тақдирлади.

Мамлакатимиз социалистик индустрлаштиришнинг ва коллективлаштиришнинг ленинча планини амалга оширaётган йилларда Сергей Миронович Киров Ленинград партия ташкилотига раҳбарлик қилди.

Партия ва халқнинг ёвуз душманлари турли ниқобларга бурканиб бош кўтарган ва ёш совет давлатининг пайини қирқмоқчи бўлган ўша йилларда Сергей Миронович доҳий Ленинга содиқ бўлган ҳолда хоинларга қарши шафқатсиз курашди. Шу йилларда С. М. Кировнинг жўшқин овози съезд ва конференциялар, мажлис ва митингларда, ишчилар ва ёшлар орасида тез-тез жаранглаб турди.

Сергей Мироновичнинг душманларга қарши ғазаб-нафрати қанча зўр бўлса, ўз халқига нисбатан муҳаббати ундан ҳам зўр эди. У, Ленинградда область коммунистларининг Ленинград саноатини тиклаш, қайта қуриш ва ривожлантириш учун курашига бошчилик қилди. бутун меҳнаткашларни социалистик индустрлаштириш ва коллективлаштиришга сафарбар этди.

1934 йил 2 февралда С. М. Кировни душман ўқи халок қилди. «Душман ўқи — деб ёзди «Правда», — бутун ёрқин ҳаётини ишчилар синфи ишига, коммунизм ишига, инсониятни озод қилиш ишига бағишлаган кишини ҳалок этди».

Халқ ғазабининг қудратли вўлқини шум ниятли хоинларни тор-мор келтирди. Халқимиз кекса большевикларнинг авлоди бошлаб берган улуғ ишни — мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш ишини ғайрат билан давом эттирмоқда.

В. АБДУЛЛАЕВ,

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ХОТИН-ҚИЗЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

24 мартда, Тошкент область хотин-қизларининг конференцияси очилди. Конференцияда 637 хотин-қиз қатнашди. Улар орасида Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлар, фан арбоблари, санъаткорлар, шоиралар бор.

Конференцияда Тошкент область партия комитетининг секретари Х. Р. Мусахонова КПСС XXII съездини муносиб совғалар билан кутиб олиш ва етти йилликнинг учинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун олиб бориладиган курашда область хотин-қизларининг иштироки тўғрисида доклад қилди.

Конференцияда донгдор механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг илғор сут соғувчиси Кван Роза ўз тажрибалари ҳақида қизиқарли қилиб сўзлаб бердилар.

Шунингдек, конференцияда Сирдарё районидаги Ленин номли колхоз раиси Назира Йўлдошева, Олмалиқ шаҳридаги «Олтин топган» комбинати партия ташкилотининг секретари Г. Петрова, Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхозининг донгдор сут соғувчиси Зуҳра Комилова ва бошқа ўртоқлар ҳам сўзладилар.

Конференцияда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдуразоқов нутқ сўзлади.

Конференция қатнашчилари баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитетига, Никита Сергеевич Хрушчевга табрик хати қабул қилдилар.

Конференция область хотин-қизлар Советини ва ҳамда Ўзбекистон хотин-қизлар съездига делегатлар сайлади.

Конференция ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоева ўртоқлар қатнашди.

ГИЛМОЯ ИСТИҚБОЛИ

„Қизил Ўзбекистон“да чиққандан сўнг

□ □

Сиз, ҳурматли газетхон, газетамизнинг ўтган йилги сонларидан бир ида босилган «Гилмоя ва сармоя» сарлавҳали танқидий мақолани ўқиган бўлсангиз керак. Ўшанда республикадаги кўп илмий-тадқиқот институтларининг мутахассислари, саноат ходимлари гилмоя (бентонит) дан халқ хўжалигининг жуда кўп тармоқларида кенг фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида ўзларининг қимматли мулоҳазаларини айтган эдилар. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республикада мавжуд бўлган маҳаллий гилмоядан фойдаланиш ҳамда бу соҳада илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш ҳақида кўрсатма берган эди Шу муносабат билан яқинда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси геология институти махсус кенгаш ўтказди.

Уч кун давом этган бу кенгашда шу нарса маълум бўлдики, республикамизнинг поёнсиз территориясида гилмоянинг битмас-туганмас конлари аниқланган ва ундан халқ хўжалигининг жуда кўп тармоқларида фойдаланиш мумкинлиги илмий асосларда исботланган. Кенгашда Ўзбекистон ва Москва олимлари ҳамда, инженер-геологларидан ўттизга яқин киши доклад қилиб, бентонитнинг хоссаларига доир қўпгина қизиқарли ахборотларни бердилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси геология институтининг илмий ходими фан кандидати Н. П. Петров «Ўзбекистон территориясидаги гилмоянинг хусусиятлари ва конлари» шу институтнинг илмий ходими М. З. Зокиров «Тошкент яқинидаги гилмоя конлари ва унинг келажаги» «Средазгипроводхлопок»нинг ходими А. В. Бостанджогло «Ўзбекистон гилмоясидан сувнинг беҳуда сингишига қарши фойдаланиш», москвалик олим В. Ф. Брусенцов ва инженер И. П. Айдаров «Мирзачўлдаги суғориш тармоқларини қуришда бентонит лойларни қўлланиш йўллари». Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги давлат Илмий-техника комитетининг ходими Н. И. Иевлев, шунингдек «Ташсельмаш», «Ўзбексельмаш». Тошкент экскаватор заводи металлургларидан Г. И. Фая, С. Б. Лодман, И. П. Шевченко «қуйилмалар ишлаб чиқаришда бентонитдан фойдаланиш», Э. Я. Славин «нефть ва газ саноатида бентонит лойларини қўлланиш», А. Л. Маркман, Ю. П. Залесов «Ўрта Осиё бентонитларидан пахта ёғини тозалашда фойдаланиш», И. Р. Расулов, А. М. Пилосов «Бентонит лойлари керамзит буюмлари ишлаб чиқариш ва ш д а асосий хомашёдир», Т. И. Муҳаммаджонов бентонитдан виночиликда, врач Н. Е. Берент бентонит лойларини медицинада қўлланиш тўғрисида қимматли ахборотлар бердилар.

Қилинган докладларнинг, баён этилган ахборотларнинг ўзиёқ гилмоянинг халқ хўжалигида гоят катта аҳамиятга молик эканлигини ва унинг истиқболи чексизлигини яққол кўрсатиб турибди.

Шу вақтга қадар бу хомашё республикамизга мамлакат н и н г узоқ районларидан ташиб келтирилар эди. Ўтган йилдан бошлаб республикадаги баъзи машинасозлик корхоналари, шунингдек нефть ва газ саноати ҳамда керамика буюмлари ишлаб чиқараётган заводлар маҳаллий гилмоядан фойдаланишга ўтдилар. Бу қувончли бир ҳолдир, албатта. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг шунингдек, республика Геология бош бошқармасининг олимлари ва геологлари Келес массивида, Оҳангарон ва Чирчиқ водийларида, Чатқол ва Қурама, Туркистон ва Ҳисор тоғларининг этакларида, Фарғона ва Бухорода, Самарқанд ва Сурхондарёда гилмоянинг қалин қатламларини борлигини исботладилар ва бу конларнинг аниқ картасини туздилар.

Олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари ҳамда баъзи тахминларга қараганда гилмоядан халқ хўжалигининг 260 тармоғида кенг фойдаланиш мумкин. Ўзбек олимлари ҳозир бентонит лойларидан қуриш ва ишлаб чиқаришнинг 20 соҳасида фойдаланиш мумкинлигини лабораторияшароитларида, шунингдек бевосита ишлаб чиқариш участкаларида синаб кўриб аниқладилар. Афсуски, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши ва республика Қурилиш министрлиги олимлар тажрибасини оммалаштиришга, уларнинг тадқиқотларини ишлаб чиқаришга дадил жорий этишга шу маҳалгача эътибор бермаётирлар. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда гилмоядан хўжаликнинг фақат учтагина тармоғида фойдаланилаётир.

Тимирязев номидаги Москва қишлоқ хўжалиги академиясининг илмий тадқиқот сектори ходимларидан бир группаси Мирзачўл каналлари қурилишида гилмояни қўлланиш юзасидан илмий иш олиб бордилар. Техника фанлари кандидати В. Ф. Брусенцов ва инженер И. П. Айдаров ўртоқлар бентонитнинг фильтрланишга қарши асосий хомашёлардан бири эканлигини ишонарли тажрибалар билан асослаб бердилар.

Маълумки яқин йиллар ичида Мирзачўлда жуда кўп янги каналлар қурилади, суғориш тармоқлари кенгаяди. Каналдан оқадиган сувнинг ер остига сингиб кетишини тўхтатиш учун шу кунларга қадар бетон плиталардан фойдаланилмоқда. Шуни айтиш керакки фильтрланишни тўхтатишга сарф қилинаётган ҳозирги маблағлар бениҳоят каттадир. Масалан, **канал сатҳининг бир квадрат метрини бетонлаш учун 40 сўм (эски пул билан) сарфланаётир.** Яқинда қурилиб ишга туширилган Жанубий Мирзачўл каналининг (бу каналнинг узунлиги 126 километр, эни эса 75 метр) сатҳини бетонлаш учун неча юз миллион сўм сарфланиши ўз-ўзидан кўриниб турибди. Етти йиллик планда Мирзачўлда. Қарши ва Қорақалпоғистон, Бухоро ва Зарафшон, Фарғона ва Тошкентда жуда кўп янги каналлар, шунингдек йирик сув иншоотлари бунёд этилади. Бу иншоотларда сувнинг беҳуда сингиб кетишига қарши техник чоралар қўрилиши турган гап. Ирригаторларнинг ҳозирги мўлжалига кўра, бу ишлар цемент-бетон плиталари билан бажарилиши керак. Агар сув иншоотларининг сатҳи шу усул билан бетонлатириладиган бўлса, давлат озмунча харажат қилмайди.

Хўш, бетон плиталари ўрнига бентонит қоришмасини ётқизиш ва шу йўл билан сувнинг сингиб кетишини тўхтатиб бўлмасмикин? Олимлар Мирзачўл массивининг тупроғи жуда юмшоқ бўлган зонасида махсус тажриба канали қазиб, бентонитни синаб кўрдилар. Бу тажриба ажойиб самара берди: **дарёдан олинган сув каналнинг охирига қадар сингмай оқди!**

Энг муҳими шундаки ёзда сув оқиб қишда қурийдиган иншоотларда гилмоядан фойдаланиш бетон плиталарига нисбатан ҳам анча арзандир. Шу билан бирга канал сатҳининг **ҳар бир квадрат метрига сарфланадиган маблағ 3 сўмдан** (эски пул билан ҳисобланганда) **ошмади.** Геология институти илмий ходимларидан М. Зокиров ва Г. И. Тесленко Мирзачўл каналлари қурилиши учун Келес ва Аққамар гилмоясини ишлатишни тавсия этмоқдалар.

Бу ҳақиқатан ҳам ажойиб кашфиётдир. «Главволодностепстрой» бош бошқармаси олимларнинг гилмоя соҳасида яратган бу янгиликлари билан тезроқ танишиши ва ундан қурилишда кенг фойдаланиши керак.

Маълум бўлишича, **гилмоя шолликорликда ҳам ажойиб хомашё бўлиб хизмат қилар экан.** Дастлабки ҳисобларга қараганда, шоли экиладиган ҳар бир гектар ер камида 125 минг кубометр сувни беҳуда сингдириб юборади. Сув камчил районларда бунинг қанчалик катта зиён беришини айтиб ўтириш ортиқчадир. **Агар шоли экиладиган карталарга гилмоя ташланса, сувнинг сингиши қарийб тўрт баравар камаяди** ва ҳосилдорлик ошади. Масалан, Ўрта Чирчиқ районида бир гектар шоли майдонига одатдагидек юз минг кубометр эмас, балки 20-25 минг кубометр сув бериш кифоя қилур эди. Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги қардош республикаларнинг қишлоқ хўжалиги бундан жуда катта наф кўришлари мумкин.

КПСС Марказий Комитети январь Пленуми мамлакатда сув иншоотлари қуришни юксалтириш масаласига гоят катта эътибор берди. Бундан кейин вужудга келтириладиган гигант сув омборлари, узун-узун каналлар, сунъий денгизлар пахтачиликни, дон хўжалигини ривожлантиришда жуда катта аҳамиятга эга бўлади. **Бу йиншоотларни қуриш учун ишлатладиган цемент ўрнини гилмоя олишига ишонч катта.**

Олимлар кенгашида гилмоянинг жуда катта истиқболи борлиги яққол кўринди. Энди ган саноатчилар ва қурувчиларда қолди, холос. **Улар геолог ва олимлар аниқлаб берган конларда карьер хўжаликларини ташкил этишлари, уларни ҳозирги замон механизмлари билан қуроллантиришлари ва бентонит қазиб чиқаришни тезлатишлари лозим.** Ўзбекистон ССР Фанлар академияси гилмоя ҳоссаларини текширишга дуруст эътибор беряпти. Лекин илмий тадқиқот ишларини комплекс равишда олиб бориш ишлари замон талаблари даражасида бўлсин.

Кенгаш қабул қилган қарорда тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

ҚЎРИҚ ЕРЛАРГА

ЖОМБОЙ, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Район меҳнаткашлари ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевнинг Қўриқ ўлка ва Қозоғистон қишлоқ хўжалик илғорларининг кенгашида сўзлаган нутқларини катта қизиқиш билан кутиб олдилар.

Қўриқ ерларни ўзлаштиришдаги ҳозирги янги босқичда партия чақириғи колхозчиларни, совхоз ишчи-хизматчиларини, мутахассисларни ва партия, совет ходимларини мамлакатда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини кўплаб етиштириш учун янги қаҳрамонликлар кўрсатишга ғайратлантиради. Шу сабабли район партия ва совет ташкилотларига қўрик ерларга ишга юборишни сўраб кўплаб ариза тушмоқда.

«Партия бизни қўриқ ерлардаги олтин бойликларни рўёбга чиқаришга чақирмоқда, деб ёзади ўз аризасида коммунист ўртоқ Иззат Соттиев, буни бажонидил қабул қиламиз. Мирзачўл массивида ташкил этилган янги совхозлардан бирига юборишни илтимос қиламан».

Иззат Соттиев бошлиқ бригада бултур Жданов номли колхозда 80 гектар янги ўзлаштирилган ерга чигит экиб, ҳар гектаридан 26 центнердан пахта топширган эди. Бригада аъзолари бу ерларни ҳозир экишга тахт қилиб қўйганлар.

Ўртоқ Соттиев партиямизнинг чақириғига жавобан илғор бригададан Мирзачўл массивида янги ташкил этилган 4-совхозга бригадир бўлиб борди. У билан бирга механизаторлардан Марди Ботиров, Знёд Сафаров, Барат Турдиев, Аҳад Аҳроров ва бошқалар — жами 17 киши қўриқ ерларни ўзлаштиришга жўнаб кетди. Улар янги совхозда алоҳида бригада тузиб ишлашга қарор бердилар.

Янги ерларга бориб ишлашни сўраб ариза берганларнинг сони тобора кўпаймоқда. Район ташкилотлари қўриқ ерларга кетаётганларнинг оиласига моддий жиҳатдан ва транспорт воситалари билан катта ёрдам кўрсатмоқдалар.

Ю. ЮНУСОВ.

УЛУҒ ГОРЬКИЙ

М. ГОРЬКИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 93 ЙИЛЛИГИ

□ □

Россияда капитализм ривожланиши билан пролетариат сафи ўсиб, кучайди ва у капитализмга ўр қазий бошлади. Бу ғўрни тез ва чуқур қазиш учун пролетариатга гениал доҳий керак эди. Бундай улуғ киши Ленин бўлди.

Ленин пролетариатга ёруғ йўл кўрсатди, уни социалистик революцияга чорлади. Коммунистик партияни тузди, мамлакатда Октябрь революциясига раҳбарлик қилди ва унинг галабасини таъминлади.

Горький эса пролетариатнинг оташин куйчиси, Ленин таълимотининг улуғ тарғиботчиси бўлиб майдонга чиқди.

Горький адабиётга қадам қўйиб, ундаги жимжитлик музини ёрди, революцион руҳдаги асарлари билан меҳнаткашларни жасурликка, мардона курашга даъват этди. Адабиётга янги мазмун, янги йўналиш олиб кирди. Ёш ёзувчи «Макар Чудра» ҳикоясидан бошлаб шуҳрат қозона бошлади. Унинг «Лочин қўшиғи» ва «Бўронқуш қўшиғи» асарлари меҳнаткашлар орасига кенг тарқалди. Улар бу асарларни иштиёқ билан ўқидилар. Ўз юрагининг алангаси билан халққа озодлик йўлини ёритиб берган Данко образи халқнинг қалбидан чуқур ўрин эгаллади. «Бўронқуш» ва «Лочин қўшиғи» оммага революцион чақириқдек янгради, жанговар гимнга айланди.

М. Горький халқ ёзувчиси эди. Шунинг учун ҳам у ўз юртини. ўз халқининг ҳаётини жуда яхши ўрганди. У, турмушнинг оғир мактабини босиб ўтди, ҳаётни ва жамиятни синчиклаб кузатди. Инсонларнинг характерини яхши билиши унинг ижодига символистик образлар ўрнига, реал образларни олиб кирди.

«Мешчанлар» драмасидаги Нил, «Тубанликда»ги Сатин, машҳур «Она» асаридаги Павел, унинг онаси Пелагея Ниловна, ўртоқлари образлари фикримизнинг исботи бўла олади. «Мешчанлар»да илғор пролетар. янги киши образи кўрсатилади. ҳақорат қилинган, эзилган ишчи Нил юқори кўтарилади, у руҳсиз турмушга қарши қўйилади. Нил бадавлат текинхўрларга дадиллик билан «меҳнат қилган одам — хўжайин бўлади» дейди.

Сатин эса Нилга йўлдошдир. Нилдаги мужассамлаштирилган гоя Сатинда давом эттирилади ва ривожлантирилади. Сатиннинг «Инсон — мағрурона янграйди» деган фикри асарнинг мағзига сингдирилган. Жамият билмаган ва танимаган қашшоқларни Горький саҳнага олиб чиқди ва томошабинга кўрсатди. Ҳаётдан четга чиқариб ташланган яланг оёқларнинг мураккаб ва бой ички кечинмалари чуқур очиб берилди. Автор Сатинга ўхшаган олижаноб, ақлли инсонлар нима учун подволда сиқилиб майиб бўлиб ётади деган саволни қўяди ва бунга жавоб беради. Уларни бу ҳолга солган. инсонларнинг яшаши учун чидаб бўлмайдиган шароитни туғдирган ижтимоий тузумга айбнома ўқийди.

Ёзувчининг «Она» китоби революцион ҳаракатда. пролетариат тарихида гоят катта роль ўйнади. Бу китоб. деб ёзган эди В. И. Ленин, жуда керакли китоб. Кўп ишчилар революцион ҳаракатда онгсиз равишда қатнашган эди, энди улар «Она»ни ўқиб ўзларига катта фойда оладилар. Жуда вақтида ёзилган китоб.

«Она» повести пролетариатнинг орзусини, тилагини ва курашини тасвирлади. Даврнинг жўшқин маъмуни, замонавий руҳи, кескин зиддиятлар ўзининг ёрқин аксини топди. Ёзувчининг илгариги асарларида айрим қурашувчи пролетарлар кўрсатилса. «Она» асарида ва «Душманлар» пьесасида курашувчи пролетар коллектив тасвир этилади.

Горькийнинг улуғ хизмати шундаки, у ишчиларни юқори кўтарди. улар революцияда бирдан-бир асосий ҳал қилувчи куч эканлигини қайта-қайта таъкидлади. Тўғри, адабиёт тарихида ишчилар ҳаёти ҳақида бир қанча асарлар яратилди. Уларнинг авторлари ишчиларнинг кулфат ва машаққатларини тасвирлашга диққат қилган эдилар. Лекин. авторларнинг кўпи пролетариатнинг кескин курашини ва бахтли келажак йўлини ёритиб бера олмади. Бу вазифани Горькийгина бажарди. У бадиий адабиётдаги реализмга янгилик киритди. Ўтмишдаги рус жамиятининг синфий зиддиятларини ифодалагина қолмасдан, шу билан бирга ана шу жамиятни курашда, ривожланишда тасвирлади, илгари бўлмаган, энди майдонга келган ва ривожланиб бораётган ғолибона кучни намойиш қилиб кўрсатди. Бу куч пролетариат, унинг кураши эди. социалистик революцияни ғалабага олиб борувчи Коммунистик партия эди.

Рус классик адабиётида қаҳрамонларнинг тузумдан норозилиги, қураши баён қилинсада, лекин мағлаққатли ҳаётдан қутилиш йўллари кўрсатиб берилмас эди. Горький марксизм-ленинизм таълимотига суяниб, ҳаётдан келиб чиқиб, озодликка чиқиш йўлларини ёритиб берди. Бу эса янги реализмни — социалистик реализмни майдонга келтириб чиқарди.

М. Горькийнинг асарлари — романлари, повестлари, пьесалари, ҳикоялари — социалистик реализм методининг ёрқин дурдоналаридандир. Бу асарларда социалистик реализм ўзининг ривожини топди ва турли жанрларда ёрқин намоён бўлди.

Буюк ёзувчи ўз асарлари билан XIX аср охири ва XX асрнинг бошларидаги рус ҳаётининг бадиий энциклопедиясини яратди. Революцияга ҳомиладор бўлган Россиянинг барча томонларини батафсил таҳлил қилиб берди, рус буржуазиясининг ичини ёриб кўрсатди. улуғ куч — пролетариатни кўкларга кўтарди. У автобиографик трилогияси — «Болалик». «Кишилар орасида», «Менинг университетларим»да сарсонлик-саргардонлик туфайли ўз кўзи билан кўрган даҳшатли. мудҳиш манзараларни ҳаққоний ёритган бўлса. «Артомоновлар иши»да капиталист оиласининг қуриши, синиши ҳамда унинг емирилиш тарихи тасвирланади.

Горький ўтмишдаги Россияни жуда чуқур таҳлил қилган. уни батафсил кўрсатиб берган адибдир. Бу ҳол. айниқса. «Клим Самгининг ҳаёти» эпопеяси д а кўзга яққол ташланади. Агарда «Артомоновлар иши» асари Горькийнинг буржуазия тарихини кўп вақтлар давомида қилган кузатишлари туфайли майдонга чиққан бўлса. авторнинг буржуа зиёлилари, зиёли мешчанлар ҳаётини кузатишлари «Клим Самгининг ҳаёти»ни келтириб чиқарди. Ҳар икки асар ҳам Горькийнинг кузатишларига якун ясади. Эпопеяда революциягача бўлган Россиянинг руҳий тарихи акс эттирилади. Бу асар Россияни тараққий эттириш йўллари ҳақидаги фалсафий-сиёсий баҳодир. Автор Клим Самгин ҳаёти мисолида, буржуа зиёлиси шахсининг бузилиш тарихи мисолида Россиянинг узоқ тарихини ёритиб берди. Горький бу асарга «40 йил» деб иккинчи ном бериши ҳам бежиз эмас, албатта. Асар Самгинникки 40 йиллик ҳаётинигина эмас, балки Россиянинг 1877 йилдан 1917 йилгача бўлган 40 йиллик ҳаётининг ёрқин картинасидир. Шунинг учун ҳам Луначарский, асарни: «Ўн йилликларни тасвирловчи панорама» деб атаган эди.

Горький буржуа зиёлисининг янги типини яратди. Бу билан у буржуазия ёзувчиларига ва файласуфлари томонидан мақтанилган буржуа индивидуализмнинг ярамаслигини, бўшлиги ва уч пулга арзимаслигини халққа бадиий шакл билан билдирди, унинг ҳақиқий афти-башарасини танишга ёрдам қилди.

Ёзувчи «Она» асарида: «Дунёда энг ёрқин демократик Россия бўлади», деди. Ҳақиқатан ҳам Россияда биринчи бўлиб, демократия, озодлик ўрнатилди. Бу озодликнинг нурларидан бошқа қардош халқлар ҳам баҳраманд бўлдилар.

Улкан адиб улуғ таланти. зўр ташкилотчилик қобилияти билан қардош миллий совет адабиётларининг ташкил топишида, тараққий этишида жуда катта роль ўйнади.

Горькийга шогирд тушмаган. ундан ўрганмаган ўзбек совет ёзувчиси йўқ деб айтсак хато қилмаган бўламиз.. Ўзбек совет ёзувчилари Горькийга турли томондан эргашдилар. Унинг бой адабий мероси, ранг-баранг ижоди ўзбек совет ёзувчиларини адабиёт оламига етаклади, ижодий ишга муҳаббат уйғотди, уларни руҳлантирди ва қаламларини ўткирлаштирди.

Горькийдаги катта гоя, кучли характерлар, зўр проблемалар, юксак бадиий маҳорат ўзбек ёзувчиларини ҳайратда қолдирди, уларни Горький лабораториясига олиб кириб кетди.

«Менинг университетларим»ни ўқий бошладим, — деб ҳикоя қилади атоқли ўзбек совет шоири Ҳамид Олимжон. — Бу асар менинг фикр ва ҳиссиётимга шундай таъсир қилдики, шу вақтга қадар мен бу таъсирни ифодалай олмайман.

...Шундан сўнг мен Горькийнинг бошқа асарларини ўқишга киришдим.

Мен унинг «Она» романини ўқий бошладим... Бу китоб Россия ишчилар синфининг эксплуататорларга қарши қураш тарихини кўрсатиб берди. Бу миллионларни тарбияловчи, адашганларга йўл кўрсатувчи китобдир...

Бу асар менинг учун қандай тарбиявий аҳамиятга эга бўлганини сира унутмайман».

Абдулла Қаҳҳор зўр хурсандчилик билан қуйидагиларни қайд қилди: «Мен рус тилини Максим Горький асарлари бўйича ўргандим, деб фахрланаман. «Челкаш» ҳикоясини ўқиб чиққанимдан кейин, менда ҳикоя ёзишга ҳавас уйғонди. «Челкаш» менинг учун ижод намунаси, ўқиш-ўрганиш ишимда қўлимдан тушмайдиган китобим бўлиб қолди».

Ўзбек ёзувчиларини қойил қилган ва уларнинг ижодига самарали таъсир қилган мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Булар ҳаммаси шуни кўрсатадики, Горький ўз асарлари билан бошқа қардош халқларнинг ёзувчиларини каби, ўзбек ёзувчиларига фақат таъсир қилибгина қолмай, ҳозирги кунларда ҳам уларга таълим бермоқда. Бу эса ёзувчи меросининг абадийлигидан, Горький асарларининг ҳаётийлигидан далолат бериб турибди.

Максим Горький вафоти олдида бундай деган эди: «Ҳозир тошлар ҳам қўшиққа кирган бўлса керак». Ҳа, ҳозирги вақтда коммунизмга қараб илдам қадам ташлаб кетаётган меҳнатсевар совет халқи қўлида тошлар ҳам қўшиққа кирмоқда, бўз, чўл ерлар ҳосилдор. гулистонга айланмоқда. Коммунизмга қанча яқинлашсак, коммунизмнинг жарчиси улуғ инсон Горькийнинг овози янада жаранглаб эшитилмоқда.

Бутун умрида халқнинг орзу-тилагини куйлаган улуғ адиб, ўз халқининг курашида, дилида яшамоқда.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ.

ҲАР БИР МУТАХАССИС—ЭКОНОМИСТ

«Ташсельмаш» заводининг инженер-техник ходимлари ва мастерлари «Ҳар бир мутахассис экономист бўлсин!» шиори остида иқтисодий билимларни эгалламоқдалар. Заводда конкрет экономикани ўрганиш юзасидан 5 та тўғарак, 1 та мактаб ишлаб турибди ва семинарлар ўтказилмоқда. Бунда заводнинг 300 га яқин мутахассиси, цех бошлиқлари, мастерлари ва илғор кишилари ўқимоқдалар.

Завод партия комитети ҳузуридаги сиёсий маориф кабинетида иқтисодий билимларни ҳозирги кунниг вазифалари билан, завод ҳаёти билан боғлаб ўрганиш учун барча имкониятлар яратиб берилган. Кабинетда СССР ва Ўзбекистон ССР экономикасига ҳамда завод ишлаб чиқаришига доир диаграммалар, схемалар ва бошқа кўргазмали материаллар бор.

Завод мутахассисларига иқтисодий билимларни эгаллашда Тошкентнинг йирик олимлари уларга ёрдам бермоқдалар. **Халқ университети ҳузурида экономика факультети ташкил қилинди. Бу республикада саноат корхонасида ташкил қилинаётган биринчи янги факультетдир.**

Экономика факультетининг очилиши катта тантанага айланди. Бу маросимга партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, олимлар қатнашдилар. Факультетнинг очилишига бағишланган тантанада сўзга чиққан халқ университети ректори ўртоқ Л. Б. Бенкенштат завод коллективининг фикрини ифодалаб бундай деди:

— Завод партия ташкилоти ва пойтахт олимларининг ёрдамида коллективимиз яқин уч йил ичида иқтисодий билимни эгаллашга қатъий қарор қилган. Коллективимизда ўқишга тортилмаган биронта киши қолмади. Мана, бугун заводимизда экономика факультетининг ташкил қилиниши инженер-техник ходимларимиз, мастерларимиз, цех бошлиқларимиз ва новаторларимизнинг икки йиллик ўқиш мобайнида экономист деган шарафли номни олишларига катта ёрдам беради. Бу олижаноб ишда бизга ёрдам бераётган Ўзбекистон Фанлар академияси Экономика институти, шунингдек, Тошкент Молия-иқтисод институти, Политехника институти ва бошқа олий ўқув юртлари профессор, ўқитувчиларидан гоят миннатдормиз.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Экономика институтининг директори, иқтисод фанлари доктори ўртоқ О. Б. Жамолов институт олимлари номидан гапирди:

—Партиямиз Марказий Комитети Пленумлари қарорларида ва ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевнинг кейинги нутқларида,— деди у, — экономистлар олдига иқтисодий масалаларни ҳал қилишда фаол қатнашиш, бунинг учун ишлаб чиқариш билан кўпроқ боғланиш каби муҳим вазифалар қўйилди. Институтимиз коллективи энди бу факультетда фақат лекция ўқиш билан чегараланмай, ишлаб чиқариш процессларини, шу жумладан резервлардан фойдаланиш, меҳнатни тўғри уюштириш ва иқтисодий тежаш каби актуал масалаларни ўрганиб, бу соҳада сизларга илмий жиҳатдан ёрдам бериб борадилар. Шунингдек, иқтисодий билимлар бўйича ўтадиган семинарларга тайёрланишингизда кўмаклашадилар, якка ва коллектив консультациялар ўтказиб турадилар. Фан билан ишлаб чиқариш ҳамкорлиги заводингизнинг умумий юксалишига, кишиларни иқтисодий билимини янада оширишга катта ёрдам беради.

Факультетнинг биринчи машғулотига 105 киши қатнашди. Машғулотда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Экономика институтининг илмий ходими П. В. Колякининг «Ўзбекистон халқ хўжалигида қишлоқ хўжалик машинасозлигининг роли» темасидаги лекцияси тингланди. Лекцияда шу завод ҳаётидан зарур мисоллар келтирилди. Лектор Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини, айниқса унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни ривожлантиришда техниканинг роли гоят катта эканлигини, «Ташсельмаш» заводи бу соҳада пахтакорларга жуда катта ёрдам бераётганлигини айтиб берди.

Факультетнинг ўқиш программасида мамлакатимиз, шу жумладан республикамиз экономикасини ўрганиш ва уни ривожлантиришга доир, шунингдек, заводнинг ишлаб чиқариш процессига доир муҳим актуал темалар бор. Пахта териш машиналари ишлаб чиқаришнинг перспективаси ва уни ҳар жиҳатдан такомиллаштириш, машинасозлик заводлари ишлаб чиқариш процессларининг иқтисодий асослари, меҳнатни уюштириш, иқтисодий тежаш масалалари юзасидан йирик олимлар, жумладан, иқтисод фанлари докторлари К. Н. Бердинсев, Д. Д. Элрих, Ш. Ўлмасбоев, иқтисод фанлари кандидатлари Н. О. Чуманова, А. А. Ортиқов, Б. А. Деятчиков ўртоқлар ҳамда заводнинг малакали инженерлари ва новаторлари лекциялар ўқийдилар.

Х. НОСИРОВ.

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ УМУМ ПОЛЬША КЕНГАШИ ТАМОМ БЎЛДИ

ВАРШАВА, 26 март. (ТАСС). Польша матбуот агентлигининг хабар беришича, Варшавада социалистик мусобақа қатнашчиларининг Умум Польша кенгаши тамом бўлди. Кенгаш қатнашчилари В. Гомулкага мактуб юбордилар ва мамлакатдаги барча меҳнаткашларга қарата мурожаат қабул қилдилар.

Кенгаш охирида нутқ сўзлаган ЦСПС раиси И. Лога-Совинский кенгашда бўлиб ўтган фикр олишув ва тажриба алмашиш социалистик мусобақанинг энг яхши, синалган форма ва методларини оммалаштиришга ёрдам беради, деб ишонч билдирди. Социалистик мусобақа эса халқ планини тез бажаришнинг гарантиясидир.

Угандада сайловлар

НЬЮ-ЙОРК, 26 март. (ТАСС). Англия мустамлакаси Угандасининг маъмурий маркази Кампала шаҳрида 24 мартда Угандаининг қонун чиқариш кенгашига бўлиб ўтган сайловларнинг якунлари эълон қилинди. Ассоциэйтед Пресс агентлиги мухбирининг хабар беришича, сайловларда демократик партия ғалаба қозонган. Бу партия шундай қилиб кенгашда ўринларнинг қўпчилигини ўзи учун таъминлаган.

Кеннеди Макмиллан билан учрашди

НЬЮ-ЙОРК, 26 март. (ТАСС). Бугун Ки-Уэстда (Флорида штати) президент Ж. Кеннеди билан Англия бош министри Г. Макмилланнинг учрашуви бўлди. Америка информация агентлигининг хабар қилишича, учрашув вақтида асосан Лаосдаги аҳвол тўғрисидаги масала муҳокама қилинган.

ТУРСУНОЙ РУМИН ГАЗЕТАСИДА

Румин—совет дўстлиги «АРЛУС» жамиятининг органи «Вяк ноу» («Янги аср») номли ҳафталик газетанинг март ойи сонларидан бирида «Шу куннинг масаласи» рубрикаси остида Марианн Ионициннинг «Совет қишлоқ хўжалигига раҳбарликни қайта қуриш» деган мақоласи босилиб чиқди.

Мақола автори КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорлари билан румин халқини кенг таништиради. Унда мавсумда 320 тонна «оқ олтин» терган механизатор Турсуной Охунованинг номи ҳурмат билан тилга олинади. «Турсуной Охунованинг тажрибаси, — деб ёзади автор, — диққатга сазовор, уни ўрганиш ва кенг оммалаштириш керак».

Х. АЛЬТМАН.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

„ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ“

«Ўзбекистон коммунисти» журналининг 3-сони босмадан чиқди. Бу сонда «Машъалларга тенглашингиз» сарлавҳали бош мақола, М. Абдураззоқовнинг «Капитал қурилишининг индустриал базаси», Ўзбекистон Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. Худойбердиевнинг «Колхоз ишлаб чиқариши экономикаси билан чуқур шуғулланайлик», В. Плотоновнинг «Пахтачиликни комплекс механизациялаш илғорларидан ўрганингиз», В. Лунининг «Уруш ва тинчлик проблемаси — ҳозирги замоннинг энг муҳим проблемаси» сарлавҳали мақолалари бор.

Булардан ташқари Т. Жўраев, Қ. Отамирзаевларнинг «КПСС тарихида муҳим давр», Т. Г. Шевченко вафотининг 100 йиллиги муносабати билан И. Султоновнинг «Улуғ озодлик куйчиси», В. Бикрицкий, Ҳ. Расуловларнинг «Коммунистик этиканинг асосий категориялари», Р. Искандаровнинг «СССРнинг Ҳиндистон Республикасига иқтисодий ва техника ёрдами» сарлавҳали мақолалари журнал саҳифаларидан жой олган.

«Пропагандист ва агитаторларга ёрдам» бўлимида М. Ицковский «Ҳозирги аҳвол ҳақида», шунингдек «Танқид ва библиография» бўлимида К. Содиқов, Х. Воҳидовлар «Ҳозирги замон ревизионизми ва давлат масалалари ҳақида китоб» сарлавҳали мақолалари билан қатнашганлар.

МИРЗАЧЎЛДА АЛОҚА ЛИНИЯСИ

ЖИЗЗАХ. (ЎзТАГ). Мирзачўлда қўриқ ерлардаги янги совхозларни боғлаган дастлабки алоқа линияси қурилди. 4, 5 ва 6-пахтачилик совхозларида тез орада автоматик телефон станциялари, кучли радиоузеллар ишга туширилади. Бунинг натижасида Янгиер ва Жиззах шаҳарлари республиканинг кўпгина область ва район марказлари билан бевосита алоқа боғлаш имкониятига эга бўладилар.

Бешинчи ўйин дуранг бўлди

МОСКВА, 25 март. (ТАСС). Шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун гроссмейстерлар Ботвинник билан Таль ўртасида бўлаётган мусобақанинг бешинчи ўйини 74-юришда дуранг бўлиб тугади.

Ўйин ҳисоби Михаил Ботвинник фойдасига 3:2 бўлди.

АФРИКА ХАЛҚЛАРИНИНГ III КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ҚОҲИРА, 26 март. (ТАСС). Кеча кечқурун Қоҳира университетининг актзалида Африка халқларининг III конференцияси очилди.

Университет зали Африка мамлакатларининг миллий байроқлари билан, Африка мамлакатлари миллий озодлик ҳаракатининг раҳбарлари Патрис Лумумба, Жомо Кениата ва бошқаларнинг портретлари билан безатилган. Жуда кўп плакатларга қуйидаги шиорлар ёзилган: «Конгонинг бирлиги учун!», «Жомо Кениата озод қилинсин!», «Бутун Африкага дарҳол озодлик берилсин!», «Жанубий Африка Иттифоқидаги ирқий камситишга барҳам берилсин!», «Лумумба руҳи абадий яшайди!», «Ирқий камситиш цивилизация учун шармандали бир ҳодиса!», «Йўқолсин мустамлакачилик!».

Конференцияда Африкадаги 37 мамлакатнинг 69 ташкилоти ва сиёсий партиялари вакиллари, шунингдек жуда кўп кузатувчилар, шу жумладан Совет Иттифоқи делегацияси қатнашмоқда.

Конференция Бирлашган Араб Республикаси делегациясининг бошлиғи, Бирлашган Араб Республикаси Миллат мажлиси раисининг ўринбосари Фуод Галолни раис қилиб сайлади.

Фуод Галол табрик нутқи сўзлади ва конференцияни очди.

Шундан кейин конференция номига олинган жуда кўп табрикномалар ўқиб берилди. СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчевдан, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг бош министри Чжоу Энь-лайдан, Гана президенти К. Нкрумадан, Ҳиндистон бош министри Ж. Нерудан, Вьетнам Демократик Республикасининг президенти Хо Ши Миндан, Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг раиси Вальтер Ульбрихтдан ва бошқалардан табрикномалар олинди. СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг табрикномаси зўр эътибор билан тингланди ва гулдурос, давомли қарсаклар билан кўп марта бўлиниб турди. Н. С. Хрушчевнинг табригида конференция қатнашчиларини ишонтириб айтиладики, совет халқи мустамлака халқларининг адолатли талаблари тамомила қондирилишига бутун чоралар билан ёрдам беради. Табрикноманинг ана шу сўзлари давомли қарсаклар билан ва: «Яшасин Африка-Осиё халқларининг бирдамлиги!» деган хитоблар билан кутиб олинди.

Конференциянинг бош секретари Абдуллай Диалло иккинчи конференциядан кейин ўтган бир йил ичида Африкада рўй берган воқеалар тўғрисида катта доклад қилди. У, Конго қонуний ҳукуматининг империалистик агентлар қўлида ҳалок бўлган бош министри Патрис Лумумбанинг хотирасини ўриндан туриб ҳурматлаб эсга олишни таклиф этди. Шундан кейин конференцияда Бирлашган Араб Республикасининг президенти Гамол Абдул Носир нутқ сўзлади.

ҚОҲИРА, 26 март. (ТАСС). Конференциянинг бош секретари Абдуллай Диалло Африка халқларининг бугун очилган III конференциясида доклад қилиб, II конференциядан буён ўтган вақт ичида Африкада рўй берган воқеалар ҳақида гапирди ва Африка халқларининг кураши натижасида Африка қитъасида янги мустақил мамлакатлар вужудга келди, деб таъкидлади. Жазоир халқи. — деди у. — француз империалистларига қарши курашда катта муваффақиятларга эришди: Жазоир Республикасининг муваққат ҳукуматини таниган мамлакатлар сони тобора ошмоқда. Франция ҳукумати эса Жазоир ҳукумати билан музокаралар бошлаш учун ўриниб кўришга мажбур бўлди.

Империалистларнинг агрессиясига ва империалистлар малайларининг сафини бузиш йўлидаги уринишларига қарамай, Конго халқи мамлакатнинг озодлиги ва миллий бирлиги учун курашга отланмоқда. Ангола халқи португалиялик мустамлакачиларга қарши курашни тобора кучайтирмоқда. Кенияда, Занзибарда, Ньясаландда, Родезияда ва Африканинг бошқа қарам мамлакатларида кураш кенг тус олмоқда.

Африка халқлари Конгода рўй берган воқеалардан катта сабоқ олишлари лозим. Ҳозирги вақтда Конгода икки куч, яъни империализмнинг манфаатларини ифода этаётган ва ҳоин Чомбе, Касавубу ҳамда бошқа сотқинлардан иборат бўлган куч билан Антуан Гизенга бошчилигидаги халқнинг миллий манфаатларини ифода этувчи куч ўртасида кураш бормоқда. Африка халқлари янги мустамлакачиликдан озод бўлиш учун, чинакам мустақиллик учун курашаётган Конго халқига ёрдам беришлари керак.

Шундан кейин Бирлашган Араб Республикасининг президенти Носир нутқ сўзлади. У, конференция қатнашчиларини табриклади ва уларни Африкада мустамлакачиликни тугатишга қаратилган қатъий қарорлар қабул қилишга даъват этди. Носир мустамлакачилар ва уларнинг агентларининг Конгони парчалаб юбориш йўлидаги уринишларини қоралаб бундай деди: Ҳозирги вақтда Конгода олиб борилаётган кураш Африканинг барча халқларини мустамлакачилик зулмидан озод қилиш йўлидаги курашдир.

Империализм, — деди Носир, — разил ниятларидан қайтган эмас. Конго мисоли империализмнинг ана шу мамлакатда ўз ҳукмронлигини тиклаш ва унинг бойликларидан фойдаланиш учун яна ҳаракат қилаётганлигини бизга яққол кўрсатиб турибди. Аммо Африкада мустамлакачилик ҳукмронлигининг умри тамом бўлмоқда!

Носир Жанубий Африка Иттифоқидаги ирқий камситишни, Франциянинг Саҳройи Кабирда атом синовларини ўтказиб. тинчликка таҳдид қилаётганлигини, шунингдек Африка территориясида чет эл ҳарбий базалари борлигини. Франциянинг Жазоирдаги қонли уришни давом эттиришда НАТОнинг Францияга ҳарбий ёрдам бераётганлигини қоралади. Носир Африка халқларининг бирдамлигини мустаҳкамлашга ва Африкада мустамлакачилик системасини тугатиш йўлидаги курашда Африка халқларини бирлик фронтида жипслашишга даъват этди.

Ғафур пиён „авлиё“ тўнида

Маҳорат манбаи

Ғафур Ашурбоев Оқмозор маҳалла аҳолисининг етти ёшдан етмиш ёшигача отнинг қашқасидек маълум. У умрида бирон корхона ёки ташкилотда қунт билан ишламаган. Текинхўрлик билан топган пулга ичкилик ичиб халқ тинчлигини бузиб юрган бир безори.

Нима бўпти-ю, у бундан беш йил муқаддам бир юмалаб «авлиё» бўлиб қолибди. Қарабсизки, қўшни шаҳар ва қишлоқлардан дин таъсиридаги баъзи кишилар келиб унга сиғинадиган бўлиб қолибди. Қисқа вақт ичида у, фирибгарлик билан кўп бойлик орттирди, уйи гиламлар, ҳошиясиз қўй, эчкиларга тўлди.

Қўни-қўшнилар таъсирига чидаёлмаган Ғафурнинг хотини Холисхон эрини бу йўлдан қайтаришга кўп уриниб кўрди. Лекин бўлмади. Текинхўрлик билан тўпланаётган бойликларга маҳлиё бўлиб кетган бу «авлиё» ўз оиласига ҳам хиёнат қилди. Холисхонни бир боласи билан кўчага ҳайдаб, янги маъшуқага уйланиб олди.

Ғафур Ашурбоевни қувасойликлар «Ғафур пиён» дейдилар. Улар Ғафурга газаб-нафрат билан қарайдилар. Фақат унинг кирдикорларидан хабарсиз бўлган бошқа шаҳар ва қишлоқларнинг баъзи кишиларигина «авлиё» хийласига учиб унга сиғинмоқдалар.

Қувасой шаҳри қун сайин ривожланиб, обод бўлмоқда. Унинг кишилари Ғафур «авлиё»нинг ҳийла–найрангларини фош қилиб, шаҳарларини Ғафур каби фирибгарлардан тозалашни талаб қилмоқдалар.

А. МАВЛОНОВ,
«Қизил Ўзбекистон» газетасининг Қувасой шаҳридаги мухбирлар постининг бошлиғи.

М. Воробейчиков чизган расм.

Ваъдалар дилни ёритмас

Чуст районидаги Ленин номли колхозда бир эмас, ўнта электр станцияси мавжуд. Лекин колхоз қишлоғининг бир томонида электр лампочкалар порлаб ётса-ю, иккинчи ёнида осма фонар-чироқлар милтиллаб турса жуда хунук бўларкан.

Минг-минг сўмлаб колхоз маблағи билан қурилган бу ГЭСлардан ёмон фойдаланилмоқда. «Столбалар чириб, линиялар эскириб қолди» баҳонаси билан Шувар, Юқори Шувар, Араб ва бошқа маҳаллалардан 1959 йилда ток узиб қўйилган эди, ҳамон тикланган йўқ.

Электр қуввати бекорга исроф бўлмоқда. Ундан хонадонларда (1357 хонадонда электр йўқ), колхоз ишлаб чиқаришида яхшироқ фойдаланиш чораси кўрилмаётир.

Колхоз механиги В. Чахлов бошлиқ ўн беш монтёр бўлатуриб, учта трансформатор икки йилдан бери «ремонт»да.

Колхоз раиси ўртоқ Б. Хусанов ҳар ҳисобот мажлисида электр қувватидан бу йил унумли фойдаланамиз, деб ваъда беради. Бироқ ваъдалар дилни ёритолмаяпти.

Ж. КАМОЛОВ,
А. ЗОИРОВ,
«Қизил Ўзбекистон» газетасининг мухбирлар пости аъзолари.

БИР АРАҚХЎРГА

Қайси кун бир мастни кўрдим, мастлардан мастроқ,
Нафси қанча хоҳлагандир: шунча ичгандир арақ.
Кўзлари чўғдек ёнар, кўксу яқоси чок-чок,
Дарғазаб бўлган, кезар шарму ҳаёсиз, бесўроқ.
Бесабаб ҳар кимга хўмрайгай ситам кўрган каби,
Қонга қасд этган асабдан қўл, оёқлар қалтироқ.
Билмагай юрган йўлини, сўзларида маъни йўқ.
Жар томон боргай арақдан у қилиб қўлтиқтаёқ.
Кимсалар ушлаб қўлидан тўғри йўлга солсалар,
Дўстларин душман кўриб, ҳаргиз унга солмас қулоқ.
Янги йўл юрган гўдакдек тентираклаб у босар,
На бу тентак, на бу соғу, на бу мажруҳ, на чўлоқ.
Нотаниш одамни ушлаб, сиррини изҳор этар,
Кўрса сирдош дўстини беш қадам кетгай йироқ,
Кўрки, бу бадфеъл, «тинчқ сув» шишасида жим турар,
Ичса тева бир пиёла, бўлғусидир бақироқ.
Оч кўзинг, йўқса араҳхўр сен ўзинг «Наштар»да кўр,
Сен одам фарзандисан-ку! Бўлма бундай тўрт оёқ!
Э, Мурид, тўхтат қаламни, унча сўзни чўзмагил,
Яхши сўз бўлгай ҳамиша ҳам ширин, ҳам қисқароқ.

Матёқуб НАЗАРОВ—МУРИД.
ХЕВА.

„Ноёб“ мол

Маълумки, дала жойларда яшовчи кишиларга велосипед ва мотоцикл энг яхши восита. Колхозимизда 1000 га яқин велосипед, 300 га яқин мотоцикл бор. Аммо уларнинг кўпчилиги эҳтиёт қисмлар йўқлигидан ишлатилмай ётибди.

Биз эҳтиёт қисмлар қидириб Самарқанд, Бухоро, Навоий, Каттақўрғон шаҳарларини кезиб чиқдик. Велосипед билан мотоциклларнинг эҳтиёт қисмлари, айниқса камер ва покришка ҳеч қаердан топилмади. «Ўзбекбирлашув» ва Ўзбекистон ССР Савдо министрлигидаги ўртоқлар бу тўғрида жиддийроқ ўйлаб кўришса ёмон бўлмас!

З. БУРИЕВ, М. НАЗАРОВ, Ҳ. БОБОҚУЛОВ, Қ. МАМАНИЁЗОВ, П. БЕРДИЕВ.
Пахтакор районидаги «Коммунизм» колхози аъзолари.

«Қизил Ўзбекистон»нинг бугунги сонига 1961 йил 19-20 мартда Бекобод шаҳрида ўйналган Ўзбекистон ССР 1961 йилги пул-буюм лотереяси биринчи чиқарилиши бўйича расмий жадвал илова қилинди.

Редактор И. РАҲИМОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

28 МАРТДА

12.00 — **Йўқолган коптоқ** (болалар учун фильм). 12.20 — **Концерт** (болалар бадиий ҳаваскорлиги қатнашчилари ижросида «Ўзбек тилида). 19.00 — **Сўнгги ахборот**, 19.25 — **Борис Пророковнинг сиёсий плакатлари** (Ўзбек тилида адабий эшиттириш). 19.45 — **Советский воин** (телевизион журнал). 20.45 — **Мусоргский номли бадиий фильм.**

29 МАРТДА

12.00 — **Теремок** (болалар учун мультипликацион фильм). 12.30 — **Кўк шапкача** (кинохикоя). 13.00 — **Ёш техниклар** (мактаб ўқувчилари учун Ўзбек тилида). 19.00 — **Уйлаб топ** (мактабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун рус тилида). 19.30 — **Сўнгги ахборот**, 19.50 — **Истиқбол эгалари** (телевизион журнал). 20.35 — **Олим маслаҳатлари** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун). 20.50 — **Концерт** (татар куйларидан). 21.30 — **Нариги томонда номли бадиий фильм.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА— 28/III да эрталаб **Этик кийган Мушук**, кечқурун **Маскарад**, 29/III да эрталаб **Евгений Онегин**, кечқурун **Риголетто.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/III да эрталаб **Олма гуллаганда**, кечқурун **Ганг дарёсининг қизи**, 29/III да эрталаб **Ганг дарёсининг қизи**, кечқурун **Фурқат.**

КИНО

Кўр ўғли — «ВАТАН» (эрталаб соат 11 ярим, кундуз 3 ва кеч 8 да).

Тонгда сакраш — «МИР», СОБИР РАҲИМОВ номли, «ДРУЖБА» (2-залда), НАВОИЙ номли, «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Олтин калиг — НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10 да), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИИЛЛИГИ» (кундуз 1 ва 3 да).

Тўғондаги ҳодиса —«ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Кўр музикачи —«ВАТАН», «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 3-15 минутдан).

Пионерлик шарафи— «Ёш ГВАРДИЯ» (кундуз соат 3-15 минутгача).

Чўққан неманинг сири —«ВАТАН» (эрталаб соат 10 да), «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (эрталаб 10 ва 12 да), «ДРУЖБА» (1-залда эрталаб 10, кундуз соат 12 ва 2 да).

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ

кинотеатрлар экранига

РОМАН ВА ФРАНЧЕСКА

НОМЛИ ЯНГИ КИНОПОВЕСТЬ ЧИҚАРАДИ.

Сценарий автори —А. Ильченко.
Постановкачи режиссёр — Владимир Денисенко.
Оператор — Ф. Семянников.
Ролларда:
П. Морозенко, Л. Гурченко, А. Скибенко, М. Заднепровский, С. Карамаш, С. Петров, Н. Рушковский, Л. Олевский, Т. Бестаева, А. Смирнов, П. Весклярев, И. Журавлёв, Оля Машеклар қатнашади.
Фильмни А. П. Довженко номли киностудия ишлаган.

1961 йил 28 апрель кундуз соат 12 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Техника фанлари бўлимининг бирлашган илмий совети мажлисида (Куйбишев кўчаси, 15-уй, Фанлар академиясининг кичик конференц-зали) қуйидагилар техника фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

диссертация ёқлайдилар

Т. Шамсидинов: «Пахта териш машиналари аэродинамикасининг баъзи бир масалалари» деган темада.

Л. М. Шварцман: «Пахта пневмотранспортининг аэродинамикаси» деган темада.

Диссертациялар билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин. (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

532-УНР (ИШЛАР БОШЛИҒИ БОШҚАРМАСИ)ГА

Тошкентда сантехника, газ-монтаж ишларини бажариш ва катта тепловой трасса қурилишида ишлаш учун:

3, 4, 5, 6-разрядли сантехника слесарлари, дипломли газо-электро-сварқачилар, инженерлар ва техниклар

керак

Уй-жой ва ётоқ билан таъминланадилар.

Тошкент шаҳар, Радиальний проезд, 12-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ, «Правда Востока» кўчаси 26 уй

КОММУТАТОР — 26334, 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469. Пропаганда — 33469. Саноат ва транспорт — 29-005. Совет қурилиши — 34780. Қишлоқ хўжалиги—27604. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 31226. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 09098. Нашр. Б. 72.

04127	175.)	1,4×2 метрли фабрика гилами	84—00
04153	055.)	«Днепр» холодильниги	200—00
04166	008.)	Тигилган кўл машина	58 — 30
04174	163.)	«Днепр» холодильниги	200 — 00
04182	199.)	1,4×2 метрли фабрика гилами	84 — 00
04200	088.)	Тилла суви юритилган эркаклар кўл соати	40—00
04213	037.)	Кир ювадиган машина	90 — 00
04227	057.)	Ғаж ўрадиган дазгол соати	50—00
04229	1—200	«Ракета» фотоаппарати	30—00
04230	098.)	Эркаклар ёки хотин-қизлар костюми учун 3 метр шерсть газлама	105—00
04202	150.)	Ғаж ўрадиган дазгол соати	50 — 00
04204	027.)	Тигилган кўл машина	58—30
